Июнь 2017


Boqiy fikr

*O'zligimizni anglab, buyuk tariximizni yoshlarga tushuntirsak, ilm-ma'rifatni rivojlantirsak, hech qachon kam bo'lmaymiz.*

Shavkat MIRZIYOYEV.

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT ~ XALQ ZIYOLILARI GAZETASI ~ معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan ● E-mail: info@marifat.uz ● 2017-yil 3-iyun, shanba № 44 (9005)


## БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 июнь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.***

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Андижон вилояти ҳам изчил ривожланмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларнинг турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йирик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари, ижтимоий объектлар, кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Андижон шаҳридаги Ўзбекистон, Мустақиллик, Истиқлол, Бобур кўчаларининг замонавий қиёфаси вилоятнинг бугунги тараққиёти ифодасидир.

Андижонда саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, санъат, спорт каби соҳалар изчил ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,5 фоиз ўсган.

Вилоятда беш мингга яқин саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Асака шаҳридаги "Женерал моторс Ўзбекистон" қўшма корхонаси бу борада алоҳида ўринга эга. Бу завод мамлакатимизда янги тармоқ – автомобилсозлик саноатига асос бўлди, у билан боғлиқ инфратузилмалар, хизмат соҳалари шаклланди. Заводда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспорт географиясини кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Уларнинг сафи кенгайиб, товар ва хизматлар тури ортиб бормоқда. Меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 1 ноябрь куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашувда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли режа ва мақсадларни баён қилган эди. Давлатимиз раҳбари Андижонга ташрифи давомида ана шу режалар, Ҳаракатлар стратегияси ижроси, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ва амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифини "Боғи Бобур" истироҳат боғи билан танишишдан бошлади.

(Давоми 2-бетда.)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганида ҳаракат қилиш бўйича яхлит давлат тизими ва унинг мувофиқлаштирувчи органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди, соҳанинг зарур меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларнинг фавқулодда вазиятлар профилактикаси, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича имкониятларини мустаҳкамлаш борасида кўлами ва мазмунига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар тизими фаолияти самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатадики, республика аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор муаммоли масалалар мавжуд:

биринчидан — табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлашни прогнозлаш, хавфни баҳолаш, кузатиш ва назоратини амалга ошириш масалалари билан шуғулланувчи бир қатор ихтисослаштирилган муассасалар фаолият юритаётган бўлишига қарамасдан, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлашнинг таъсирчан тизими яратилмаган, бунинг оқибатида зилзилалар, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, экзоген геологик жараёнлар, техноген хусусиятли авария ва ҳалокатларнинг таҳдидини ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юз бериш хавфини аниқлаш тўлиқ амалга оширилмаяпти;

(Давоми 4-бетда.)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсокликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техника базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермаяпти.

(Давоми 7-бетда.)

## Ислоҳотлар самараси ва халқаро эътироф

***Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда эришилган ютуқларни мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган жаҳон рейтинглари ва уларнинг умумжаҳон эътирофларида кўриш мумкин.***

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,269 га пасайди. Бу натижа БМТ тавсияларига биноан 0,35-0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартларга кўра, мамлакат аҳолисининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради. Жини индекси — аҳоли даромадларининг амалда тенг тақсимланишини билдиради. Ушбу индекс 0 га тенг бўлса, бу давлат даромадларининг аҳолига идеал даражада тенг тақсимланганини, агар у 100 га тенг бўлса, унинг мутлақо тескарисини кўрсатади.

Ўзбекистон БМТ кўмагида Колумбия университети профессори Жеффери Сакс, Лондондаги иқтисодиёт мактаби директори Ричард Лейард ва Британия Колумбия университети профессори Жон Хеллиуэл томонидан 2012 йилдан буён тузиб келинаётган Жаҳон бахт индексида 2015 йилда 44-поғонани, МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади.

(Давоми 3-бетда.)

## Энг билимдон ғолиб бўлади

Olimpiada — 2017

*Республикамиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган умумтаълим фанлари олимпиадаси ўтган йиллар давомида ёшлар билимини аниқлашнинг муҳим мезонига айланди. Беллашувнинг бу йилги якуний босқичи ҳам кучли рақобат муҳитида ўтаяпти.*



10-бетга қаранг ›

**Ma'rifat**

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

# БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Мазкур истироҳат боғи Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган. Бобур халқаро жамоат фонди тасарруфидаги сўлим маскан 357 гектар майдонни эгаллаган. Боғда Бобур Мирзонинг рамзий қабри ва ҳайкали, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи барпо этилган. Бобур ҳаёти ва меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий экспедиция томонидан олиб келинган ноёб қўлёзмалар, китоблар ва тарихий ашёлар ўрин олган музей мамлакатимиздаги диққатга сазовор масканлардан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истироҳат боғини янада обод қилиш, музейни таъмирлаш ва фаолиятини кенгайтириш режалаштирилган.

Бобур Мирзо халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшаяпти. Бу масканни янада обод қилиш зарур. Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз музей экспонатлари билан танишди. Олимлар ва нуронийлар билан мулоқотда бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари халқимизнинг қадимий тарихи ва маънавий меросини чуқур ўрганиш, маданият масканларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти томонидан Хўжаобод туманида ташкил этилган боғни бориб кўрди.

Халқимиз фаровонлиги, юртимиз бозорлари тўкинлигига Андижон фермер ва деҳқонлари муносиб ҳисса қўшмоқда. Пахта майдонлари қисқартирилиб, қишлоқ хўжалиги таркибий ўзгартирилаётгани натижасида мева-сабзавот етиштириш кўпаймоқда, экспорт ҳажми ошмоқда.

Хўжаобод туманидаги лалми майдонда ташкил этилган ёнғоқзор ва токзор ҳам шу мақсадга қаратилган. Туманда 20 гектарга Калифорния ёнғоғи, 23 гектарга ток экилган. Келгусида экин майдони кенгайтирилиб, мева турлари кўпаяди. Қатор ораларига булғор қалампири, пиёз, картошка, ловия, мошнинг харидоргир навлари ва бошқа сабзавотлар экилади.

Президентимиз ўрмон хўжалигини ривожлантиришга оид қарор мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди. Андижоннинг илмий ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиб, бу йўналишда илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этиш, харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали халқимизнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади. Андижон қишлоқ хўжалиги институти ва тегишли коллежларда ўрмончилик соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Қўрғонтепа туманидаги "Боғи Фурқат" фермер хўжалиги базасида қишлоқ хўжалиги уруғчилиги ва кўчатчиликни ривожлантириш лойиҳаси намойиш қилинди. Бу ерда замонавий биотехнология асосида лаборатория ташкил этилиб, вируссиз уруғ ва кўчатлар етиштириш йўлга қўйилади. Бундай ўсимликлар касалликларга чидамли, ҳосилдор бўлади. Қиймати 1 миллиард 600 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳа самарасида ёнғоқ, бодом, узум, помидор, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг уруғ ва кўчатлари етиштирилади, агросаноат тармоқларига ва аҳолига етказиб берилади. 38 иш ўрни яратилади.

Одамлар далага кирдими, албатта, даромад топсин. Такрор айтаман, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада ошириш мақсадида барча ҳудудларда гидропоника усулида иссиқхоналар барпо этиш режалаштирилмоқда. Ихчам ва самарадор бундай иссиқхоналар юқори сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Президентимиз Хўжаобод туманидаги «Навигул» қўшма корхонаси ҳудудида ташкил этиладиган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, музлатиш ва сотишга ихтисослаштирилган йирик логистика комплекси лойиҳаси билан танишди.

"Навигул" Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасида жаҳон бозори конъюнктураси талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун бу ерда тайёрланаётган томат пастаси, қуритилган булғор қалампири, баклажон, шунингдек, олма, олча, ўрик қоқиси сингари маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам харидоргир.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси негизидаги «Тошкент вино комбинати» акциядорлик жамияти ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда қўшма корхона ҳудудида «Fruit industries» масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш режалаштирилган. Янги корхона мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш, шарбат тайёрлаш ва экспорт фаолияти билан шуғулланади. 6 гектар майдонда кўчат етиштириладиган иссиқхона, 255 гектар майдонда томчилатиб суғориладиган интенсив боғ ташкил этилади, 615 гектар майдонда сабзавот етиштирилади, 7 минг тонна мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган музлатгич қурилади.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг дастлабки босқичи – мева-сабзавотларни қуритиш линиясининг иш бошлашига бағишланган рамзий тугмани босди. Технологик линиянинг иш жараёнини кузатди. Қуритилган маҳсулотлар намуналари билан танишди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 24 миллион доллар бўлиб, шундан 14 миллион доллари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, қолгани корхона маблағлари ҳисобидан қопланади.

Корхонани шу йилнинг учинчи чорагида тўла ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда йилига 30 минг тонна мева-сабзавот қайта ишланади, 1 минг 250 иш ўрни яратилади.

Асака туманидаги «Обод турмуш орзуси» фермер хўжалигида ташкил этиладиган мева-сабзавотларни қуритиш ва музлатгич ташкил этиш, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси ва тижорат банклари ҳамкорлигида 2017-2018 йилларда амалга оширилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳалари намойиш этилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, янги корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Янги ташкил этилаётган корхоналарга хомашёни вақтида етказиб бериш лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарига «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида вилоятда 2017-2018 йилларда амалга оширилиши режалаштирилаётган чармпойабзал соҳасини ривожлантириш дастури ва соҳага доир бошқа лойиҳалар, бозорлар инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишар экан, тайёрланадиган маҳсулотларни нафақат ички бозорга етказиш, экспортга ҳам чиқариш чораларини кўриш зарурлигини қайд этди.

Президентимиз «Хонобод» санаториясини бориб кўрди. Санатория ҳудудини ободонлаштириш, қурилиш ишларини охирига етказиб, оромгоҳни келгуси йили Наврўз байрамига фойдаланишга топшириш бўйича кўрсатмалар берди.

Хонобод шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ барча жойларда шинам турар жойлар бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бўз тумани "Чорвадор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган ана шундай уйларни бориб кўрди. Акмал ва Зилолахон Раҳмоновлар хонадонида бўлиб, яратилган шароитлар, оиланинг турмуши, фарзандлар тарбияси билан қизиқди.

Ушбу маҳаллада майдони 2 сотихли, уч хонали 10 замонавий уй бунёд этилган. Уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланган.

Шавкат Мирзиёев бундай турар жойларни кўпроқ қуриб, одамларга муносиб шароитлар яратиш доимо эътиборда бўлмоғи зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга уй-жойларни аҳоли истаги ва замон талаблари асосида лойиҳалаштириш ва бунёд этиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Бўз туманида енгил саноат соҳасидаги лойиҳалар билан танишди.

Андижон вилоятида 20 йирик енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти ва тижорат банклари ҳамкорлигида Андижон вилоятида 2017-2018 йилларда 19 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Уларнинг самарасида тармоқнинг экспорт салоҳияти 2,8 баробар ошади, қарийб 9 минг 850 иш ўрни яратилади.

Ушбу лойиҳаларнинг 8 таси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг молиявий кўмагида Андижон шаҳри, Андижон, Пахтаобод, Шаҳрихон, Бўз, Балиқчи туманларида амалга оширилади. Мазкур лойиҳалар 4,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 1 минг 325 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Хўжаобод туманидаги «Нил Гранит» масъулияти чекланган жамияти «Samo» бренди остида йилига 5 миллион дона тайёр кийим ишлаб чиқармоқда. 480 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари Россия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонада ип-калава ва мато бўяш, тайёр мато ишлаб чиқариш ва уларга безак беришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бунинг самарасида экспорт ҳажмини йилига 25 миллион долларга етказиш, қўшимча 1 минг 180 иш ўрни яратиш мўлжалланган.

«Олтин мато текс» масъулияти чекланган жамияти томонидан Андижон шаҳрида ташкил этиладиган корхона ҳам соҳадаги истиқболли лойиҳалардан биридир. Корхонада Япония, Бельгия, Туркиядан келтириладиган ускуналар асосида тайёр кийим-кечаклар, трикотаж мато, ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

«Водий саноат фахри» ва «Сайёра фаввораси» масъулияти чекланган жамиятларида ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Президентимиз мазкур лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот тайёрлаш, замонавий технология ва тенденциялардан кенг фойдаланиш, аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритиш бўйича тавсиялар берди.

Президентимиз Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолияти билан танишди.

Хўжаликда 2 минг бошга яқин зотли қорамол, 300 бош наслли эчки боқилмоқда. Илғор технологиялар асосида иш ташкил этилган хўжаликда маҳсулдорлик юқори. Ҳар бир сигирдан кунига 25-28 литр, эчкидан 3-3,5 литр сут соғиб олинмоқда. Умуман, хўжалик томонидан сутни қайта ишлаш корхоналарига бир кеча-кундузда қарийб 20 тонна сут етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Германиядан келтирилган зотдор эчкиларни боқиш жараёни, юртимиз иқлимига мослашиши билан қизиқди.

Эчки сутининг сифати юқорилиги кўпчиликка маълум. Эчки сути тиббий хусусиятларга эга бўлиб, ошқозон касалликлари, камқонлик, кўз нури пасайишининг олдини олиш ва диатезда фойдалидир.

Эчки сути узоқ вақт яхши сақланади. Хона ҳароратида уч кун, музлатгичда бир ҳафтадан кўп вақт давомида ўз хусусиятини йўқотмайди. Эчки сутида кўп миқдорда калий бўлиб, юрак-нафас олиш тизими фаолиятини яхшилайди.

Фермер хўжалигида қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида янги лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинмоқда.

**(Давоми 3-бетда.)**

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

# БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

**(Давоми. Боши 2-бетда.)**

Давлатимиз раҳбарига кўрсатилган лойиҳага кўра, 700 бош наслли эчки олиб келиш орқали янги тармоқ йўлга қўйилади. Истиқболи юқори баҳоланаётган мазкур лойиҳани жорий йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Чорвачилик сердаромад соҳа ҳисобланади, буни унутмайлик, деди Президентимиз. Шифобахш бўлган эчки сутига нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам талаб юқори. Шунинг учун бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Вилоятнинг Улуғнор туманидан фермер хўжалигига 300 гектар ер ажратилган. Бу ернинг 200 гектарига ёнғоқ, 100 гектарига унаби экилиб, томчилатиб суғориш технологияси йўлга қўйилади.

Фермер хўжалигининг яна бир истиқболли лойиҳаси биогаз ишлаб чиқариш тармоғидир. Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 600 минг куб метр биогаз ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушгач, 40 янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз лойиҳалар доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди.

Улуғнор туманида ташкил этиладиган 2000 бош қорамол ва 10 000 бош наслли эчки боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари аҳолини сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Бўз туманидаги «Evro Ekfin» масъулияти чекланган жамияти жаҳон бозори талабларидан келиб чиқиб, энг сўнгги технологиялар асосида сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширмоқда.

Бугунги кунда қурилиш ишлари олиб борилаётган чорвачилик комплексида 2 минг бош наслли қорамол боқиш кўзда тутилган. 200 кишининг бандлиги таъминланадиган комплекс ишга тушгач, йилига 13 минг тонна сут етказиб берилади.

Асака туманидаги «Умид» хусусий корхонасининг парранда боқишга ихтисослашган комплекси лойиҳаси ҳам кўрилди. Ҳозирги кунда корхонада 80 минг парранда боқилмоқда. Янги лойиҳага кўра, 80 миллион дона тухум ва 150 тонна парранда гўшти етказиб берилади. Мажмуа ишга тушгач, 100 киши доимий иш жойига эга бўлади.

Олтинкўл туманида томорқалардан унумли фойдаланиш борасида илғор тажриба тўпланган. Айниқса, «Кўмакай», «Чўнтак» маҳалла фуқаролар йиғинларида иш намунали йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбари тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан аҳоли хонадонларига лимон, унаби ва ёнғоқ кўчатлари ва парранда етказиб бериш дастурининг ушбу туман мисолидаги тақдимоти билан танишди. Лойиҳаларни янада такомиллаштириш, уларни белгиланган муддатларда ишга тушириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари раислигида Андижон вилояти ҳокимлигида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

# Ислоҳотлар самараси ва халқаро эътироф

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

2017 йилги ҳисоботда Ўзбекистон 2014—2016 йилларда энг тез ўзгариб, жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар ўнталигидан ўрин олган. Ушбу ҳисоботни тузишда давлатлар ялпи ички маҳсулотининг аҳоли жон бошига мос ҳиссаси, давлат томонидан фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, узоқ умр кўриш, одамларнинг сайлов ҳуқуқи, фуқароларнинг фаоллиги, коррупция омилининг камлиги даражаси каби мезонлар инобатга олинади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий, ижтимоий фаровонлик халқаро талабларга тўла жавоб беради. 2015 йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми эълон қилган рейтингда Ўзбекистоннинг энг тез ривожланаётган давлатлар қаторида 5-ўринни эгаллагани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

2015 йилда Ўзбекистон ФАОга аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Тошкентда 2014 йил 6 июнь куни ўтказилган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ҳажми ошаётгани, соҳага замонавий агротехнологиялар ва инвестициялар жалб қилинаётгани эътироф этилди.

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда инсонларнинг умри узаяди. 2015 йили Украинанинг "Элвисти" ахборот маркази ОАВ материаллари асосида узоқ умр кўрувчи инсонлар яшовчи мамлакатлар тўғрисида тадқиқот ўтказди. Ўзбекистон ушбу рейтингда Япония, Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва Италия каби давлатлардан кейин дунёда 6-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон аҳолининг ўртача ёши ошиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизда эркаклар орасида 73,5 ёшни, аёллар орасида 75,5 ни ташкил қилади. Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жаҳон мамлакатларида узоқ умр кўрувчиларнинг аҳоли нуфусига нисбати жиҳатидан Ўзбекистон кучли учликдан ўрин эгаллаган.

БМТнинг Жаҳон Банки гуруҳи томонидан 2015 йилда "Бизнес юритиш 2015: сифат ва бошқариш самарадорлигини баҳолаш" ҳисоботи эълон қилинди. Ушбу ҳисобот рейтингда Ўзбекистон 2014 йилги кўрсаткич билан солиштирганда 189 мамлакат орасида 16 поғона юқорилаб, 87-ўринга кўтарилган. Рейтинг тузувчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон бизнес юритиш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича 2014-2015 йилларда энг яхши натижаларга эришган мамлакатлар ўнлигига кирди.

Буюк Британиянинг "Charities Aid" жамғармаси аҳолиси фаол даражада хайр-саховат билан шуғулланувчи, яъни шахсий маблағлари ва вақтини муҳтож одамлар ҳамда беморларга сарфлайдиган давлатлар рейтингини тузиб чиқди. Ушбу глобал индексда Ўзбекистон 2015 йилда 145 мамлакат ўртасида 27-ўринни, 2016 йилда эса 11-ўринни эгаллади.

АҚШда фаолият олиб борадиган нуфузли Геллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзусида 2015 йилда жаҳоннинг 144 мамлакатини қамраб олган тадқиқот ўтказди. Тадқиқот "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?", "Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?" ва "Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пули ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?" саволлари асосида олиб борилган. Ўзбекистон мазкур рейтинг натижаларига кўра, дунёдаги 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллади. Мазкур рейтинг мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, мустаҳкам тартиб-интизомнинг ўзига хос ифодаси бўлди.

Жаҳонда терроризм муаммоси кучайиб бораётган бир вақтда, бу хавф чегара билмас, миллат, халқ ва давлат танламас эканлигини таъкидлаш лозим. Шу маънода Ўзбекистон терроризм хавфи юз бериши жуда кам бўлган мамлакатлар қаторида эканини ҳам дунё эътироф этмоқда. Лондондаги Иқтисодиёт ва Тинчлик институти томонидан нашр этиладиган "Жаҳон терроризм индекси — 2015"да Ўзбекистон терроризм хавфи 0 (ноль) индекс билан бу муаммо хавфи жуда кам бўлган 38 мамлакат қаторида эътироф этилди.

Мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда унинг Қуролли кучлари муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Қуролли кучлар ва мустаҳкам армия барпо этиш борасида улкан ютуқларга эришилди. Бу нафақат Ўзбекистон олимлари, балки халқаро тадқиқот марказлари ҳамда ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлди. Global Firepower Index ҳарбий-таҳлилий интернет портали тайёрлаган рейтингда Ўзбекистон армияси Марказий Осиёда энг кучли армия сифатида тан олиниб, 2016 йил дунё рейтингида 48-ўринни эгаллади. Рейтингни тузишда қўшинлар, қуруқликда, денгизда ва ҳавода жанг олиб боришга мўлжалланган ҳарбий техника сони, қуролланиш учун иқтисодий салоҳият, Қуролли кучлардаги тартиб-интизом, билим, малака, юксак маданият каби элликка яқин омиллар асос қилиб олинган.

Буюк Британиянинг Легатум тадқиқот институти 2015 йил якунларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ривожланганлик рейтингини тузиб чиқди. Мазкур индекс жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ёритувчи иқтисодиёт, тадбиркорлик, бошқарув, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, шахсий эркинликлар, ижтимоий капиталдан иборат саккиз мезон ва 79 асосий кўрсаткич асосида тузилади. Рейтингда Ўзбекистон 57-индикатор билан МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида олдинги сафлардан бирини эгаллади.

2016 йил GoEuro халқаро туристик компанияси сайтида эълон қилинган "Глобал юқори тезликдаги поездлар рейтинги"да Ўзбекистон поездлари дунё бўйича 17-ўринни эгаллаб, АҚШ, Норвегия ва Финляндия каби мамлакатлардан ўзиб кетди. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ушбу рейтингга киритилган ягона мамлакат бўлди. Рейтинг турли давлатларда ҳаракатланувчи поездларнинг энг юқори тезлиги, ҳаракатланиш тезлиги, аҳоли қамрови, чипталарнинг нархи ва бошқа кўрсаткичлар асосида тузилган. Рейтингда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан йўлга қўйилган "Афросиёб" поездининг тезлиги соатига 250 километр, максимал тезлиги соатига 255 километр бўлиши эътироф этилган.

2017 йилда Буюк Британияда фаолият юритувчи "The Lancet" халқаро тиббиёт журнали томонидан БМТнинг "Барқарор ривожланиш" декларациясига биноан саломатлик асосида барқарор ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳон мамлакатлари рейтинги эълон қилинди. Глобал рейтинг натижаларига асосан Ўзбекистон тиббиёт, соғлиқни сақлаш каби ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёнинг 188 давлати ўртасида 55-ўринда, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринда қайд этилди.

Буюк Британиянинг "Financial Times" нашри 2017 йилда жаҳон туристлари қизиқиш билан қаровчи энг муҳим йўналишларни қамраб олган ҳисоботини чоп этди. Ушбу ҳисоботда Ўзбекистон иккинчи ўринни эгаллади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ва 2017 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро ва маҳаллий соҳа экспертларининг фикрича, Ўзбекистон туризмни ривожлантиришнинг барча имкониятларига эга.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида ҳам илғор ютуқларни қўлга киритди. Мамлакатимизда 2014 йил "Соғлом бола йили", 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Ўзбекистонда бу борадаги тадбирлар ва натижалар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилди. Жумладан, "Save the Children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотларнинг самарали натижалари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг барча соҳаларини жаҳон стандартлари даражасида юксалтириш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон халқаро рейтинглардаги ўрнини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Ойбек АБДИМЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти кичик илмий ходими.**

**ЎзА**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

иккинчидан — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг амалдаги ташкилий-штат бирлиги ва шахсий таркибининг камлиги фавқулодда вазиятлар профилактикаси ва уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни кенг кўламли ва самарали амалга оширишни таъминламаяпти;

учинчидан — айрим шаҳар ва туманларда қуйи бўғин мавжуд эмаслиги ва ривожланмагани фавқулодда вазиятлар бўлимлари томонидан профилактик чора-тадбирларни мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширишга имкон бермаяпти, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш борасида аҳоли билан кенг қамровли мулоқот олиб бориш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорлик қилишни таъминламаяпти;

тўртинчидан — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг профессионал қутқарув отрядлари маъмурий марказларда жойлашгани олис туманларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда қутқарув отрядларининг жалб этилишида муайян қийинчиликлар туғдириб, уларни фақат фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларигагина жалб этиш билан чекланилади;

бешинчидан — ҳудудларда фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш, прогнозлаш, олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш масалаларига жалб этилиши лозим бўлган бошқарув органлари, куч ва воситаларни мувофиқлаштирувчи таъсирчан механизмлар мавжуд эмас;

олтинчидан — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларини замонавий авария-қутқарув техникалари, асбоб-ускуналари, анжомлари ва алоқа воситалари билан таъминлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда;

еттинчидан — аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлар ва техноген авариялар хавфидан муҳофаза қилиш бўйича муаммоларни ҳал қилишда республиканинг илмий-тадқиқот салоҳиятидан амалда тўлиқ фойдаланилмаяпти;

саккизинчидан — фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш, уларнинг хавфи тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ва огоҳлантириш, шунингдек, қутқарув ишларини олиб боришга жалб этилиши лозим бўлган куч ва воситаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш ишларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари суст олиб борилмоқда;

тўққизинчидан — аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, келгусида ушбу соҳада ишловчи профессионал кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизими мавжуд эмас.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини фавқулодда вазиятлар таҳдиди ва хавфини олдиндан бартараф этадиган, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда ўз вақтида ва комплекс ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолият олиб борадиган, унинг ҳар бир ходими "Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш" шиори остида хизмат қиладиган мобиль, замонавий профессионал хизматга айлантириш;

аҳоли, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшлар билан мулоқотларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш, аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигига таҳдидлар, табиий ва техноген хусусиятли хавфлар манбалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, туман ва шаҳарлардаги куч ва воситаларни самарали тақсимлаш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатувчи турли хизматларнинг тезкор ҳаракатини мувофиқлаштирувчи механизмларни яратиш;

фавқулодда вазиятлар содир бўлиши хавфининг чуқур таҳлилини ва аниқлашни назарда тутувчи фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш тизимини такомиллаштириш, республика ҳудудларини сейсмик хавфлар, техноген авария ва ҳалокатлар манбалари бўйича районлаштириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкига хавфларни барвақт профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш, ҳаётий фаолиятни таъминловчи объектлар ва тизимларнинг барқарор ишлашини, таҳдидлар ва уларнинг келиб чиқиш омилларини олдиндан аниқлаш, бартараф этиш борасида аниқ чоралар кўриш, аҳолининг ушбу соҳада маълумотларга эга бўлиш даражасини оширишни таъминлаш;

Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, шунингдек, кичик ҳажмли кемаларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва сув ҳавзаларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат назорати ва кузатувини кучайтириш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ваколатига эга раҳбарлар ва мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фуқароларни фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, шунингдек, вазирлик учун кадрларни шакллантириш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, гидрометеорологик ва сейсмологик хизматларнинг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ўқув ва илмий-техник базасини модернизация қилиш, илмий ходимлар, мутахассислар ва қутқарувчиларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг барча босқичларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, улар юз берганда иқтисодиёт объектлари фаолияти барқарорлигини ошириш.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига белгиланган тартибда берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорологик хизмат маркази таркибий тузилмалари билан биргаликда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғ.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи.

Белгилансинки, Гидрометеорологик хизмат маркази ва унинг таркибий тузилмалари, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи мавжуд штат бирлиги ва моддий-техника базаси билан тўлиқ, амалдаги молиялаштириш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби билан ўтказилади.

3. Берилаётган Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи базасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғ.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2915-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфига топширилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппарати таркибида Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси ташкил этилсин.

5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тинчлик ва ҳарбий даврда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг барқарор ишлаши, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан бехатар фойдаланиш, сув иншоотларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва омилларини олдиндан аниқлаш, улар вужудга келишини барвақт профилактика қилиш ва олдини олишни таъминлаш;

(Давоми 5-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 4-бетда.)

аҳолига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, халқ билан мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бу борада ўзаро яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мавжуд хавф-хатарлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилиш;

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва бошқарувини таъминлаш;

фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ва ривожланиши хавфини комплекс мониторинг ва прогноз қилишни таъминлаш, мазкур соҳада гидрометеорологик ва сейсмик кузатувлар олиб бориш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий хокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларнинг давлат захира фондларини ташкил этишга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш, гидротехник иншоотлар, кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш хавфсизлигини самарали назорат қилиш, сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш, ўтказиш ва мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда мақсадли илмий-техника дастурлари ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тузилмаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тизимли тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, гидрометеорологик ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат ва ҳудудий комиссияларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи 1—3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Қуйидагилар Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг вазифаларини белгилаш ва қарор қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар йили фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаро муҳофазаси (баҳор мавсумида) ҳамда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (куз мавсумида) ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг авария, ҳалокат, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқаролар, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

молиявий ва моддий ресурслар давлат захираларини ташкил этишни таъминлаш, шунингдек, улардан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаш.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфи юқори бўлган объектларнинг мустаҳкамлигини ошириш, фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш бўйича ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга идоравий бошқарув органлари, куч ва воситалар шайлигини таъминлашда иштирок этиш, объектларда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, жумладан, объект ходимларини эвакуация қилиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун идоравий молиявий ва моддий ресурслар захирасини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда жабрланган аҳолини, жумладан, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда бевосита иштирок этган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини назорат қилиш ва текшириш.

Қуйидагилар шаҳар ва туманлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, авария, ҳалокат, табиий офатлар зарари ва оқибатларини камайтириш тадбирларини амалга ошириш;

бошқарув органлари куч ва воситаларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга шайлигини таъминлашда иштирок этиш;

авария-қутқарув тузилмаларини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш тадбирларини таъминлаш харажатларини қоплашда ишлатиладиган молиявий ва моддий-техника ресурслари захира жамғармаларини ташкил этиш.

7. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унда қуйидаги устувор йўналишлар назарда тутилсин:

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкилий-штатлар тузилмасини такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш механизмларини такомиллаштириш;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда фан ва техника ютуқларини татбиқ этиш;

қутқарув тузилмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини такомиллаштириш.

Белгилансинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

8. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.Ж.Раматов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари вазирлик ва идоралар билан бирга Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг тўлақонли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминласин;

вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи тузсин, уларнинг самарали ишлашини ташкил этсин;

қонун ҳужжатларининг чуқур танқидий таҳлилини, амалиётда қўллашни ва илғор хориж тажрибасини ўрганиш, шу асосда Дастурда назарда тутилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни таъминласин;

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мунтазам ва сифатли тайёрлаш, ўз вақтида кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш юзасидан доимий назоратни амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов):

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини бир ҳафта муддатда киритсин;

бир ой муддатда "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ва ҳудудий комиссиялар тўғрисида"ги Низомни тасдиқласин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин;

уч ой муддатда вазирлик бўлинма ва муассасаларининг ўзига хос хусусияти ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш учун уларни жойлаштириш, жиҳозлаш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш тадбирлари тўғрисидаги дастурни тасдиқласин.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 1 июнь*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига шарҳ

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини камайтириш ва самарали бартараф этиш аҳолининг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланаётгани, ишлаб чиқариш технологияларининг мураккаблашиб бораётгани, ишлаб чиқариш объектларининг аҳоли пунктларига яқин жойлаштирилаётгани, аҳоли сони кўпайиб, урбанизация жараёни тезлашаётгани, хавфли табиий жараёнларнинг тез-тез содир бўлаётгани ва кўлами кенгайиб бораётгани, шунингдек, трансчегаравий хавфларнинг мавжудлиги табиий ҳамда техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиш хавфини янада оширмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлар, техноген авария ва фалокатлардан ҳимоя қилиш бўйича яхлит давлат тизими, зарур меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, аҳолини фалокатлар пайтида ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида кўлами ва мазмуни жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, амалдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими фаолиятининг таҳлили мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини табиий офатлар, техноген авария ва ҳалокатлардан муҳофаза қилишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммоли масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш тизимини янада модернизация қилиш талаб этилади. Ушбу тизим бугунги кунда хавфли гидрометеорологик ҳолатларнинг мавжуд хавф-хатарларини ҳамда улар юз берганда ҳаракат қилиш механизмларини манзилли аниқлаш имконини бермайди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатимизнинг мавжуд илмий салоҳиятидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Қутқарув тузилмаларининг моддий-техника таъминоти, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда ҳимоя қилиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, фуқароларни бундай вазиятлар рўй берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, хавфли табиий жараёнлар кучайиши билан боғлиқ мавжуд хатарлар, шунингдек, техноген авария ва ҳалокатлар хавфи тўғрисида ўз вақтида ва аниқ хабардор қилиш тизими бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ҳужжатда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифалари белгиланди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси, шунингдек, Фанлар академияси Сейсмология институтининг Тезкор хабарлар хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

Юқорида қайд этилган ташкилотларнинг вазирлик тизимига ўтказилиши муносабати билан тинчлик ва ҳарбий даврда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, гидротехник иншоотларнинг барқарор ишлаши, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан бехатар фойдаланиш, сув ҳавзаларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва омилларини олдиндан аниқлаш, улар вужудга келишини барвақт профилактика қилиш ва олдини олишни таъминлаш ҳамда бошқа вазифалар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг янги асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони фавқулодда вазиятлар ривожланиш хавфи юқори бўлган туманларда (шаҳарларда) фавқулодда вазиятлар бўйича қўшимча бўлимлар ва қутқарув отрядлари ташкил этиш орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва қуйи бўғинларини кенгайтиришга қаратилган.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шу билан бирга, туман шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ҳам шундай ҳудудий комиссиялар ташкил этилганини таъкидлаш зарур. Уларнинг таркибига аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни таъминлашда иштирок этадиган барча даражадаги мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари киритилди.

Қуйидагилар Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар шаҳарлар ҳокимликларининг вазифаларини белгилаш ва қарор қабул қилиши бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар йили фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаро муҳофазаси (баҳор мавсумида), аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (куз мавсумида) ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг авария, ҳалокат, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқаролар, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ҳужжатда аҳоли билан мулоқотни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, “Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш” шиори остида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Фармонда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этиш, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фармонни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари имзоланди.

Мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши амалдаги Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини тубдан ошириш, шунингдек:

биринчидан — халқ билан мулоқотни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик орқали фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирларни ўз вақтида тизимли асосда қабул қилиш;

иккинчидан — фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш борасидаги ишларни сезиларли даражада яхшилаш ва сифатини ошириш, гидрометеорологик ва сейсмик кузатувлар бўйича ишларни тизимлаштириш, йирик гидротехник иншоотлар ва сув объектларида фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиш хавф-хатарларини барвақт аниқлаш;

учинчидан — фавқулодда вазиятларда комплекс ҳаракат қилиш тезкорлигини ошириш ва уларнинг зарарини камайтириш;

тўртинчидан — маҳаллий корхоналар негизида асосий турдаги авария-қутқарув техникаси, мулк ва ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишларини ташкил қилиш имконини беради.

# Босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари

***Халқ таълими вазирлигининг шу йил 17 мартдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг босқичли ва якуний назорат имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги буйруғига асосан айни кунларда барча умумтаълим мактабларида 4—8-синф ўқувчилари босқичли ва 9-синфлар якуний назорат имтиҳонларидан ўтказилмоқда.***

Бу йил Нукус шаҳридаги 36-мактабнинг 9-синфини 56 нафар ўқувчи битирмоқда. Барча фан ўқитувчилари имтиҳон олдидан ўқувчиларга тушунтириш ишларини олиб боришди. Ёзма ва оғзаки имтиҳонларда саволларга атрофлича ва тўлиқ жавоб беришини таъминлаш мақсадида харита, глобус, чизма, жадвал, гербарий, препарат ва лаборатория асбоб-ускуналаридан фойдаланишга рухсат берилди. Имтиҳонларда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ота-оналар иштироки ҳам таъминланди.

— Ўғлим тўққиз йил мобайнида барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди, — дейди 9-синф ўқувчиси Амир Бекимбетовнинг онаси Дилдора Ўрозалиева. — У тарих фанидан фан олимпиадасининг республика босқичида яхши натижаларга эришди. Унга яхши таълим-тарбия берган устозларидан миннатдормиз.

Нукус шаҳридаги 31-ИДУМ директори Венера Каленованинг таъкидлашича, мактабда босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари низом талаби асосида ўтказилмоқда.

— Мактабимизда ёшларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун барча имконият яратилган, — дейди 9-синф ўқувчиси Зинатдин Турдимуратов. — Ўқитувчилар яхши билим бергани учун математикадан фан олимпиадасининг республика босқичида юқори натижага эришдим. Шу боис имтиҳон саволларига жавоб беришга ҳам қийналмадим.

Самарқанд шаҳридаги 42-мактабнинг 9-синфини бу йил 150 нафар ўқувчи тугатади. Мактаб директори Меҳри Шукурованинг айтишича, айни пайтга қадар 4—8-синф ўқувчилари математика, она тили ва адабиёт, чет тили, тарих, ботаника, физика, информатика, география, давлат ва ҳуқуқ асослари, биология фанларидан ёзма ва оғзаки босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб бўлишди. 9-синфлар жисмоний тарбия, она тили ва адабиёт, математика фанларидан билимларини синовдан ўтказишди. 11 июнга қадар чет тили, ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган таълим муассасаларида), тарих, кимё ва физика фанлари бўйича ёзма ҳамда оғзаки имтиҳонлар топширишади.

Қашқадарё вилоятидаги 1124 та умумтаълим мактабида ҳам босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари учун барча қулайликлар яратилди.

— Имтиҳонларга маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳам таклиф этилган, — дейди Косон туманидаги 6-мактаб ота-оналар кенгаши раиси Бердимурод Боймирзаев. — Ўқувчилар мактаб ҳамшираси назоратида. Имтиҳонларни юқори савияда ўтказиш мақсадида назорат комиссияси аъзолари билан биргаликда жараённи кузатиб бораяпмиз.

**“Maʼrifat” махсус мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017—2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган қуйидаги вазифалар ижро учун қабул қилинсин:

маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, бадиий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий-техника базаси ҳолатини атрофлича ўрганиш, уларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш. Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш;

ёшларни санъат масканларига, хусусан, театр ва музейлар, концерт томошаларига мунтазам жалб этиш, ўзбек ва жаҳон маданиятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик диди ва маданий даражасини янада юксалтириш. Маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида "Нуронийлар маскан"ларини ташкил этиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитлар яратиш;

"Сени куйлаймиз, замондош!", "Дебют" каби театр санъати кўрик-фестиваллари самарадорлигини ошириш орқали буюк сиймолар, замонамиз қаҳрамонлари образи, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган, бадиий юксак саҳна асарларини яратиш. "Баҳор нафаси" халқаро санъат фестивали, "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали, "Ёшлик баҳори" республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайилларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш;

маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг малакали кадрлар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, замонавий илғор тажрибалардан фойдаланиш, дунёнинг машҳур мусиқачилари, бастакорлари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларини ўқув дастурлари ва ноталар, ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш;

Ўзбекистоннинг юксак маданияти ва санъатини халқаро майдонда янада кенг тарғиб этиш, халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда мамлакатимиз вакилларининг иштирокини кучайтириш, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали нуфузини янада ошириш, бошқа турли тадбирларда чет эллик маданият ва санъат намояндалари кенг қатнашишларини таъминлаш, халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2017 йилнинг 1 октябрига қадар:

музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирларини;

ёшларни театр ва музейларга, концерт-томоша тадбирларига тизимли равишда жалб этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва маданий даражасини янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда мамлакатимиздаги концерт-томоша ва театр муассасаларининг ижодий ходимлари учун грим ва постижёр маҳсулотлари, оёқ кийимлар, махсус либослар, жумладан, балет санъати учун либослар, юксак даражада ишланган саҳна декорациялари ва конструкциялари, парда ва саҳна либосларини тайёрлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона ташкил этиш юзасидан таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари учун малакали мусиқа педагогларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган факультет ташкил этиш юзасидан зарур чораларни амалга оширсин.

5. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси;

тижорат банкларининг кредит маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017—2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Арипов):

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича бир ҳафта муддатда тегишли ишчи гуруҳлар ташкил этсин;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вилоят, шаҳар, туманлар бўйича Дастур асосида икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин, уларни тасдиқласин ҳамда уларда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштирсин;

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилишига масъул бўлган вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тизимли асосда мувофиқлаштириб, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан мониторинг олиб борсин ва назорат қилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Дастурни амалга ошириш юзасидан икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб, Республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш;

Дастурни амалга ошириш учун зарур бўладиган маҳаллий бюджет маблағларининг режалаштирилиши ва тўлиқ ажратилиши, ҳомийлик хайриялари жалб этилишини таъминлаш;

ҳудудларда маданият соҳасида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб турар жой шароитларини яратиш мақсадида ҳудудлар марказларида имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли хизмат уйларини қуриш, шунингдек, юқорида кўрсатилган тоифадаги мутахассислар учун уй-жойлар ажратиш;

маданият ва истироҳат боғларида аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд аттракцион ва бошқа ўйин қурилмаларининг хавфсизлик қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 31 май*

**2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili**

# Мактаблардан мактублар

*Таҳририятимизга таълим-тарбия сифатини ошириш, тизимдаги камчиликлар ва уларнинг ечими бўйича кўплаб педагоглар мактуб йўллашади. Шундай жонкуяр муштарийлардан сурхондарёлик Карим Турсунов ва Нормамат Эшонқуловлар таълим тизимидаги ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида ёзишган. Қуйида уларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

## Устама адолатли тақсимланса...

**Ҳурматли таҳририят!**

**Таълим жараёнидаги айрим камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазаларимни ёзиб жўнатмоқдаман. Албатта, фикримга кимдир қўшилмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда фикрларим учун ҳеч ким мени айбламаса керак...**

Ўтган йилларга назар солсак, ютуқлар билан бирга ҳали ҳал қилиниши керак бўлган камчиликлар борлигини кўрамиз. Хусусан, ўқитувчиларга берилаётган устама пуллари адолат билан тақсимланаяпти, дея олмаймиз. Ишни тўғри ташкил этган қайсидир мактабда бу тизим ижобий самара берган бўлса, баъзиларида бунинг акси бўлди.

Масалан, низомга кўра, жамоадаги ўқитувчиларнинг 50 фоизини рағбатлантириш мумкин. Шунга асосан ушбу мактабдан бирорта ўқувчи фан олимпиадаси ёки билимлар беллашувининг туман ва вилоят босқичларида яхши натижа кўрсатмаса ҳам белгиланган ўқитувчилар устама олаверади. Мисол учун, ўқувчилари 12, 13 та фандан туман босқичида қатнашган мактабнинг бор-йўғи битта иштирокчиси юқори ўрин олса-да, ўқувчилари паст натижа кўрсатган фан ўқитувчилари ҳам ҳеч нарса йўқотмайди. Уларга ҳам устама пуллари нақд.

Ўқитувчининг ўзини ва ўз фани рейтингини оширишга интилиши яна бир салбий кўриниш — ўқувчи баҳосини сунъий равишда кўтариб қўйишга сабаб бўлмоқда. Акс ҳолда устамадан қуруқ қолиши мумкин. Аслида мактабда ҳамма фанни ДТС талаби бўйича 100 фоиз ўзлаштирган ўқувчини топиш қийин. Аммо ҳисоботларда шундай кўрсатилади. Агар қоғоздаги натижалар рост бўлса, муайян фандан 95 фоиз кўрсаткичга эришган ўқувчи билимлар беллашувининг туман босқичида 30 фоиз натижа кўрсатганини қандай изоҳлаш мумкин? Ёки бўлмаса, устама оладиган ўқитувчи фанидан нуқул беш баҳо олиб ўқийдиган ўқувчи нега бошқа фанлардан оқсайди? Ўқувчининг ҳақиқий билими билимлар беллашувининг туман босқичидаёқ кўриниб қолади. Ўқитувчининг ойлик маошига директор жамғармасидан устама белгилашда бу ҳисобга олинса, адолатдан бўлмайдими?

Баъзан ўқувчига икки баҳо қўйиш мумкин эмас, деган гапни эшитиб қоламиз. Мумкин, фақат таёқ яна ўқитувчининг бошида синмаслиги учун шундай йўл тутилади. Чунки паст баҳо олган ёки синфдан-синфга кўчмаган ўқувчи билан олиб борилган қўшимча машғулотлар ҳақида иш ҳужжатлари сўралади. Ортиқча ташвишдан қочган ўқитувчи, уч баҳо қўйиб бўлса ҳам, билимсиз ўқувчини синфдан-синфга кўчиради. Бу бошқа ўқувчиларга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Қайси мактабга бориб, сўрасангиз, бизда қолоқ, синфда қолдирилган ўқувчи йўқ, деган гапни эшитасиз. Аслида бундай эмас. Чунки юқорида айтганимиздек, паст баҳога ўқийдиган ўқувчи ҳам сунъий равишда синфдан-синфга кўчирилмоқда. Гарчи умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартибини белгилайдиган низомда "Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш жараёнида ҳам "қониқарсиз" баҳо олган тақдирда, мактаб педагогик кенгашининг қарори билан синфда қайта ўқиш учун қолдирилади" дейилган бўлса-да, амалда бунинг акси бўлмоқда.

Таклифим — ўқувчи давлат имтиҳонидан ўта олмаса, ўша фан ўқитувчиси ва ота-онаси жаримага тортилиши керак. Жарима тўлангач, у яна қайта имтиҳон топширишига рухсат берилса, ота-оналар ҳам, маҳалла ҳам мактаб билан тенг ҳаракат қилади.

**Карим ТУРСУНОВ,**
**Денов туманидаги 74-мактаб ўқитувчиси**

## Касбга меҳр, ишга фидойилик керак

Умумтаълим мактабларида "Маҳорат мактаблари" фаолияти йўлга қўйилгани тизимдаги муҳим янгиликлардан бири бўлди. Афсуски, педагог ходимлар малакасини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириш мақсадида ташкил этилган бу янгилик ҳамма жойда ҳам кўзланган натижани берди, дея олмаймиз. "Маҳорат мактаблари" фаолиятига назар солсак, бажарилган ишлар, эришилган натижаларни ҳатто қониқарли деб ҳам баҳолаб бўлмайди.

Биринчидан, "Маҳорат мактаблари" фаолиятининг вазифа ва мақсадини ўқитувчилар ҳали тўлиқ тушуниб етмаган. Иккинчидан, аксарият мактаб раҳбарлари бу жараёнга лоқайд ва бефарқ қарашади. Улар учун гўё "Маҳорат мактаблари" ортиқча даҳмазадек туюлади. Энг ачинарлиси, бу ишга бош-қош бўлиб, услубий раҳбарлик қилиши керак бўлган туман ХТМФМТТЭБ ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари учун ҳам асосий мезон қоғозбозлик, ҳисоботбозликдан иборат бўлиб қолмоқда.

Мисол учун, шу йил 24 январь куни Термизда Сурхондарё ва Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ҳамкорликда "Маҳорат мактаблари" фаолиятини яхшилаш масаласига бағишлаб қўшма семинар-тренинг ўтказишди. Тўғриси, педагоглар бу семинардан жуда кўп нарса кутгандик. Аммо бундай бўлмади. Тошкент вилоятидан келган тренерларнинг бизга педагогик маҳорат усулларини ўргатганидан кўра, уларнинг дўқ-пўписаси, ҳамманинг эсини киритиб қўйишини айтгани кўпроқ эсимизда қолди. Яна бир тренер директор жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган устамаларни муаммоларни ҳал этиш воситаси, дея таъкидлади. Менимча, барча муаммоларнинг ечимини моддий жиҳатга боғлаш тўғри эмас. Чунки фаолиятининг мазмунини пул билан ўлчайдиган киши чин ўқитувчи бўла олмайди. Асосий муаммо ўқитувчиларнинг ўзларида — қалбда касбига меҳр, ишга фидойиликнинг, хоҳиш ва истакнинг йўқлигида. Қолаверса, айрим педагоглар ғурури сабаб ўзи каби оддий ўқитувчидан маҳорат ўрганишга "ор" қилади.

Аслида, тажрибали ўқитувчилардан касб маҳоратини ўрганиш жуда фойдали. Бунинг учун ўқитувчида хоҳиш бўлиши керак. Ўз тажрибамдан бир мисол келтириб ўтсам. Фан олимпиадаси ва билимлар беллашувининг туман ва вилоят босқичида Дилором Ёқубованинг ўқувчилари қайд этадиган натижаларга ҳавас қилардим. Ҳозир муаллима Денов академик лицейида тарих фанидан дарс бермоқда. Ундан касб сир-асрорини ўрганишга аҳд қилдим. Натижа ёмон бўлмади. Мана, икки йилдирки, ўқувчиларим ҳам фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида ғолиб чиқмоқда. Шу йил туман босқичида рақибларига нисбатан деярли икки баробар кўп балл тўплашди. Демак, "Маҳорат мактаблари" жуда зарур. Фақат ҳамма гап унинг ишини тўғри ташкил этишда.

Бу борадаги яна бир муаммони айтиб ўтмасам бўлмайди. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, гарчи қўшма буйруқ бўйича машғулотлар ўтиши керак бўлса-да, "Маҳорат мактаблари" фаолияти, иш жадвалидан умуман бехабарлар. Уларнинг амалий кўмагисиз маҳорат дарсларининг савиясини ошириш анча мушкул бўлиб қолмоқда.

**Нормамат ЭШОНҚУЛОВ,**
**Олтинсой туманидаги**
**63-мактаб ўқитувчиси**

*Мингбулоқ тумани Момохон қишлоғи Найман маҳалласида бир неча йиллар муқаддам мактабгача таълим муассасаси фаолият юритган. Ширкат хўжалиги тугатилгач, қишлоқ марказидаги 37-МТМ шохобчаси сифатида ишлаб турган ушбу масканнинг фаолияти ҳам тўхтатилди. Собиқ боғча биноси эса эгасиз қолгач, қаровсизликдан абгор бўлди. Маҳалладаги 40—50 чоғли оила соҳиблари фарзандларини Момохондаги 37-МТМга олиб борайлик дейишса, масофа олис. Ёпилган МТМ шохобчасини қайта очиш тўғрисида бир неча идораларга рўбарў бўлишгани билан натижа чиқмади. Ниҳоят яқинда халқ таълими бошқармаси бошлиғининг виртуал қабулхонасига қилинган мурожаат қонуний кўриб чиқилди. Масала ижобий ечим топди.*

— Виртуал қабулхона очилганини эшитиб, бизни қийнаётган муаммо юзасидан мурожаат қилдим, — дейди маҳалла фуқароси Ўғилхон Исоқова. — Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳамкорликда уни ўрганиб чиқишди. Шу кунларда мактабгача таълим муассасасининг бу ердаги шохобчасини қайта ишга тушириш бўйича амалий ишлар бошланди.

# МУРОЖААТЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ БЎЛМОҚДА

Мингбулоқ тумани ХТМФМТТЭБ мактабгача таълим методисти Шаҳноза Маҳкамованинг таъкидлашича, маҳаллада МТМга жалб этиладиган 42 нафар кичкинтой рўйхати тузилган. Айни кунда уларнинг ҳужжати тайёрланмоқда. Шохобчанинг эски биноси авария ҳолатида бўлгани учун ҳудуддаги 18-мактабдан иккита хона ажратилди. Хоналарни мебель, ётоқхона анжомлари ва бошқа зарур воситалар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари ҳал этилди. Тарбиячи мутахассис ажратилди.

Бу воқеа вилоят халқ таълими бошқармасининг виртуал қабулхонасига йўлланган 100 дан зиёд ариза ва шикоятлардан бирининг тафсилоти холос. Президентимиз ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги "Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида"ги 366-сонли қарори асосида ташкил этилган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг виртуал қабулхонаси шу каби кўплаб муаммоларга қонуний ечим топишга хизмат қилмоқда.

Бошқарма томонидан мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳар бирини эътиборга олиб, кўтарилган масалалар ва муаммоларга ўша жойнинг ўзида барҳам бериш мақсадида сайёр қабуллар, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ ва барча таълим муассасалари қошида "Ота-оналар билан мулоқот" хоналари ташкил этилди. Сайёр қабуллар белгиланган жадвал асосида ўтказилмоқда.

— Наманган шаҳридаги 27-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман, — дейди Мунаввар Дадахонова. — Қўшимча дарс ажратишларини сўраб бошқармага мурожаат қилдим. Сўровим натижасиз қолмади. Мактаб имкониятини ва дарс тақсимоти ўрганилиб, менга дарс соатлари қўшиб берилди. Аризамни инобатга олиб, ёрдам кўрсатишганидан жуда мамнунман.

Чустлик Гулноза Исомиддинова ҳам фарзандини мактабга жойлаштиришда жиддий муаммога дуч келди. Тумандаги 3-мактаб маъмурияти негадир унинг илтимосини рад этаверди. Чорасиз қолган фуқаронинг вилоят халқ таълими бошқармаси виртуал қабулхонасига мурожаати зудлик билан ўрганилди ва ижобий ечим топди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги қабулхонага умид билан келган фуқаролар мурожаатини ўз вақтида ва қонуний тарзда кўриб чиқишда муддат ва сифатга риоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, айрим раҳбарларнинг эътиборсизлиги сабабли қуйи тизимларда ҳал бўладиган масалалар юқоригача чиқмаслиги, муаммони жойида ҳал этиш бўйича зарур маслаҳатлар берилмоқда. Энг муҳими, вилоятнинг барча туман ва олис ҳудудларида ҳар ҳафтада белгиланган жадвал асосида сайёр қабуллар ўтказилаётгани фуқаролар учун қулайлик яратаяпти.

**Ғанишер АКБАРОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

# Юридик таълимдаги янгиликлар

## *рақобатбардош кадрларни тайёрлашга хизмат қилади*

Qaror va ijro

**Ижтимоий муносабатларнинг самарали йўлга қўйилиши ва қонунчиликнинг ислоҳ этилишида юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар муҳим ўрин тутади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 28 апрелда қабул қилинган "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мавжуд эхтиёж ва замонавий талабларга жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлашда дастуриламал вазифасини ўтайди. Қарорда кўзда тутилган қатор ўзгаришлар жаҳонда энг нуфузли касблардан бири дея тан олинган ҳуқуқшуносликка қизиқувчи ёшларнинг эътиборини тортмоқда.**






### Асосий янгиликлар таълим мазмунида акс этади

— Қарор миллий юридик кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро таълим стандартларига мувофиқ тубдан ислоҳ қилишни назарда тутиб, таянч олий ўқув юрти бўлган Тошкент давлат юридик университетини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди, — дейди Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, университет ректори Есемурат Каньязов. — Аввало, профессор-ўқитувчилар малакаси, педагогик маҳорати, амалий кўникмаси, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятига қўйиладиган талаб кучайтирилди. Шунингдек, юридик кадрлар рақобатбардошлигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизими, нодавлат ташкилотлар ва бизнес тузилмаларининг юридик кадрларга бўлган кенг эҳтиёжини таъминлаш мақсадида университет қабул квоталари оширилди. Бундан ташқари, бакалавриат босқичига чет эл фуқароларини соддалаштирилган тартибда қабул қилиш тизими яратилди. Олий малакали юридик кадрлар тайёрлаш тизимида жорий этилган ўқитишнинг модул тизими ва инновацион методларини янада ривожлантириш вазифаси белгиланди. Бундай жараён ўқитиш механизмларини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнини имкон қадар ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлашга хизмат қилади.

Қарорга асосан университетда мамлакатимиз олий таълим муассасалари доирасида биринчи бор кредит тизими жорий этилди. Бу тизимнинг жорий этилиши талабаларнинг академик алмашинувини кенгайтириш ҳамда университет дипломининг дунё миқёсида тан олинишига хизмат қилади.

Мазкур вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида Тошкент давлат юридик университетига ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвийлигини таъминлаш, битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўқув режаси ва дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, таълим беришнинг модул тизимида профессор-ўқитувчилар меҳнатини меъёрлаштириш, иш вақтини фақат ўқув соатларига асосланган ҳолда ташкил этиш ҳамда педагог ходимларнинг илмий-методик, илмий тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар бажаришини рағбатлантириш ҳуқуқи берилди.

Олий таълим муассасини моддий таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун махсус жамғарма ташкил этилди.

### Модул тизими қандай самара берди?

Ўқитишнинг кредит тизимига ўтишда модул тизими ва ўқитишнинг инновацион методларини ривожлантириш мақсади мужассам. Маълумки, 2013 йили Тошкент давлат юридик университетида республикада биринчи бор ўқитишнинг модул тизими жорий этилган эди. Бу тизимда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, талабаларда тизимли таҳлил қилиш ва шахсий фикрини юридик техника асосида ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Ўқув машғулотларини замонавий шаклларда ташкил этиш йўлга қўйилди. Назария ва амалиётни уйғунлаштиришга йўналтирилган ишлар амалга оширилди.

Хўш, ўтган даврда мазкур амалиёт қандай самара берди?

Модул тизими ўқув дастурлари мазмунида назариянинг устуворлиги, талабаларнинг ўз устида мустақил ишламаслиги, назариянинг амалиётдан узилиши каби муаммоларни бартараф этди. Хусусан, талабаларнинг амалиёт ўташ муддати 12 ҳафтадан 19 ҳафтага оширилди. Ўқитиладиган фанлар 58 тадан 35 тагача қисқартирилиб, уларнинг таркибидаги махсус фанлар 10 фоиздан 30 фоизга оширилди ҳамда талабаларнинг ўз устида ишлаши, мустақил изланиши ва илмий тадқиқот олиб бориши учун янада кўпроқ қулайликлар яратилди. Университетда ўқитишнинг модул тизими шароитида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг янги махсус тизими жорий этилди.

Бу, ўз навбатида, талабалар билими ва кўникмасига қўйилган талабларнинг ошишига олиб келди. Айрим талабалар қўйилган янги талабларга жавоб бермаслиги сабабли ўқишдан четлатилди. Жорий этилган тизим ижобий натижа бериб, талабаларнинг мунтазам изланиши, ўз устида ишлашига олиб келди. Шунингдек ўқув жараёнини халқаро стандартларга яқинлаштирди.

### Кредит тизими нима?

— Кредит тизимининг жорий этилиши талабанинг академик мобиллигини, ўқув жараёнидаги янгиликлар ва таълим тараққиётига мослашувчанлигини таъминлайди, — дейди университетнинг ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Ихтиёр Жўраев. — Кредит талаба ўзлаштирган ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирлигидир. Кредитларни фанлар ва соатлар бўйича белгилашда фанга ажратилган ўқув юкламаси ҳажми ва фаннинг аҳамияти инобатга олинади. Ҳар бир фан мустақил кредит ҳисобига эга бўлади. Жаҳон олий таълим тизимига кенг жорий этилган тизим халқаро ҳамкорлик жараёнида "умумий тил топишиш"да ҳам қатор қулайликлар яратади. Бир кредит таркиби, ҳар бир фан бўйича кредитлар миқдори, талабалар бир ўқув йили ва умумий ўқиш даврида йиғиши керак бўлган кредитлар ҳажми университет томонидан мустақил белгиланади ҳамда олий таълим муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланади. Масалан, жиноят ҳуқуқи фанидан маъруза учун 40, семинар ва амалий машғулотлар учун 60, мустақил таълимга 50, юридик клиникадаги иш(амалиёт) учун 20, консультацияга 8, имтиҳон топширишга 2 — умумий ҳисобда 180 соат ажратилган. Мана шу 180 соат 15 кредит деб олинади. Ҳар 12 соат ўқув юкламаси 1 кредитга тенг бўлади. Кўриниб турганидек, кредитларни белгилашда аудитория соатлари ва аудиториядан ташқари соатлар ҳисобга олинади.

### Квота мавжуд эҳтиёж асосида белгиланди

Қарорга кўра, амалга оширилган асосий янгиликлардан бири тўлов-контракт асосида бакалавриатга ўқишга қабул қилинадиган талабалар квоталарининг оширилгани бўлди. Хусусан, юқори миқдорда тўлов-шартнома асосида қўшимча қабул қилиш имконияти билан қабул квоталарини 600 ўрин этиб белгилаш назарда тутилди. Бу айни пайтда юридик кадрларга бўлган эҳтиёж ва талаб юқорилиги туфайлидир.

Юридик кадрларга эҳтиёж юқорилиги сўнгги пайтда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ. Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, туман(шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман(шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди. Амалдаги суд мажлиси котиби лавозими тугатилиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимлари киритилди. Янгидан ташкил этилаётган судларни тўлдириш учун давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг қўшимча 560 штат бирлиги, шу жумладан, 318 та судьялик штат бирлиги ажратилди.

Бу ислоҳотлар яратилаётган янги иш ўринлари учун малакали ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлаш заруратини юзага келтирди. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, "Ягона дарча" марказлари туман(шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Адлия вазирлиги бошқарувига ўтказилди. "Ягона дарча" марказлари ходимлари юридик маълумотга эга бўлиши зарурлиги тўғрисидаги талаб қўшимча 310 нафар юридик кадрга эҳтиёжни пайдо қилди. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимиздаги 1193 хўжалик юритувчи субъектда юристконсульт лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг 720 таси вакант ҳисобланади.

Юридик таълимдаги ислоҳотлар ўқув жараёнига малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, ўқув режалари ва дастурларини иш берувчиларнинг эҳтиёжи асосида ишлаб чиқиш, талабалар билимини баҳолаш жараёнини сифатли ташкил этиш, уларнинг ўз устида мустақил ишлаши учун шароит яратади. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда адвокатлик тузилмалари билан кенг ҳамкорлик асосида миллий юридик таълим амалиёт билан боғланиб, соҳага зарур бўлган юқори малакали юридик кадрлар шаклланади.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

Olimpiada — 2017

# Энг билимдон ғолиб бўлади

***Республикамиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган умумтаълим фанлари олимпиадаси ўтган йиллар давомида ёшлар билимини аниқлашнинг муҳим мезонига айланди. Беллашувнинг бу йилги якуний босқичи ҳам кучли рақобат муҳитида ўтаяпти.***

31 май куни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида умумтаълим фанлари олимпиадасининг республика босқичи очилиш маросимига бағишланган тадбирда Давлат тест маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мутасаддилари, ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Муродулла Холмуҳаммедов, Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Фарҳод Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлодга пухта билим бериш, истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи Ўктам Худойбердиев "Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида"ги низом талаблари ва мазмун-моҳиятига батафсил тўхталди. Синовлар ёзма ва тест кўринишида ўтказилишини, иштирокчилар тартиб-интизомга қатъий риоя этиши зарурлигини эслатди.

### Ҳакамларни танлашда янгича ёндашув

Бу йилги синовларнинг адолат мезонлари асосида ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар бир аудиторияга видеокамера ўрнатилди. Аудитория раҳбари ва назоратчилар тайинланди. Шунинг баробарида ҳакамлар ҳайъатини шакллантиришга янгича ёндашилди. Жумладан, синовларга Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда олий таълим муассасаларининг таклифи асосида Давлат тест маркази вакиллари, Фанлар академиясига қарашли институтлар ходимлари, олий таълим муассасаларининг етакчи педагоглари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда мактабларнинг илғор ўқитувчилари ҳайъатга аъзо сифатида жалб этилди.

1 июнда беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган 343 нафар иқтидорли ўқувчи ўзига хос ишонч билан 14 умумтаълим фанидан синовларга киришди.

— Физика фанидан 25 нафар ўқувчи ғолиблик учун даъвогарлик қилмоқда, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, Низомий номидаги ТДПУ профессори, физика-математика фанлари доктори Комилжон Насриддинов. — Ҳозир улар қатъий назорат остида 5 та масала ечими устида ишлаяпти. Масалалар ечиб бўлингандан сўнг жавоблар текширилиб, баҳолаш мезони асосида балл берилади.



### "Кўп китоб ўқиганим асқотаяпти"

Навбатдаги довонни забт этишга шиддат билан киришган ўқувчиларнинг юзкўзида акс этган қатъиятни кўриб, уларнинг бари ғолибликка муносиб эканига астойдил хайрихоҳ бўласан, киши. Ўзига бўлган юқори ишончни навқирон авлоднинг сўзларидан ҳам сезиш мумкин.

— Тарих фанидан биринчи тур имтиҳонини ёзма иш шаклида топширдик, — дейди Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Жалолиддин Жангиров. — Меъморий ёдгорликлар, давлатчилик тарихи, Президент асарлари бўйича берилган мавзуларни лицейда эгаллаган билимларим асосида атрофлича ёритдим.

— Лицейдаги устозим Гулноза Абдусаломованинг бизни кўп китоб ўқишга ундагани, саводхонлигимизга жиддий эътибор қаратгани бугунги беллашувда "Ойбек ижодида Навоий сиймосининг ёритилиши" мавзусида иншо ёзишимда жуда асқотди, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали қошидаги Бағдод академик лицейи ўқувчиси Хуморахон Мирзааҳмедова. — Иккинчи тур синовларидан ҳам муваффақият билан ўтишимга ишонаман.

### Тил билдинг — тилло топдинг

Иштирокчилар билан суҳбатлашиш асносида уларнинг баҳсларга жиддий тайёргарлик кўргани, совринли ўринларни эгаллашга иштиёқи баландлиги яққол сезилиб турди.

— Фан олимпиадасига тайёргарлик жараёнида немис тили ўқитувчимиз Нигора Нуруллаева ёрдамида сўз бойлигим ва ёзув саводхонлигимни оширишга, грамматика қоидаларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим, — дейди Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Шаҳзода Сотимова. — "Атроф-муҳит муҳофазаси" мавзусида иншо ёзишимда эгаллаган билим ва кўникмаларимни ишга солдим. Айни пайтда ғолибликни кўзлаб турибман.

— Бугунги тараққиёт ҳар бир ўғил-қиздан чет тилида равон, бехато гапиришни талаб этаяпти, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Тошкентдаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Гўзал Эргашева. — Шу маънода чет тиллари бўйича барча синовлар янги қабул қилинган давлат таълим стандарти асосида ўтаяпти. Биринчи босқичда иштирокчиларнинг иншо ёзиш борасидаги билим ва маҳорати, иккинчи босқичда эса грамматик саводхонлиги, ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаси синовдан ўтказилмоқда.

### "Фарзандларимизга қанот бўлайлик!"

Беллашув кунлари ўқувчилардан кўра уларнинг ота-оналари, устозлари кўпроқ ҳаяжонланаётганига гувоҳ бўлдик. Уларнинг фарзандлари тақдирига бефарқ эмасликларидан, ўғил-қизлари ҳақида ғурур ва ифтихор билан гапиришидан мамнуният туйдик.

— Ўғлим Абдумалик Абдуқаюмовни болалигидан математикага йўналтирдик, — дейди бухоролик Низомжон Каримов. — Айни пайтда у Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қоракўл академик лицейида математикани чуқур ўрганаяпти. Ўтган вақт давомида ўқитувчиси Гулнора Жумаева ўғлимга математикага оид тушунча, мисол ва масалаларни эринмай ўргатди. Унинг ёзма иш ва тест синовларидан юқори балл тўплашига ишончим комил.

Беллашувнинг иккинчи куни иштирокчилар тест синовларини топширди. Бугун иккала тур бўйича энг юқори балл тўплаб ғолибликка эришган ёшлар Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда тантанали тақдирланади.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

---

# Таълим ҳуқуқини кафолатлаш: муаммоларнинг ечими қандай?

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

***Мамлакатимиз Бош Қомусида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани кафолатланган. Шу билан бирга, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамланган.***

Бу мамлакатимизнинг инсонпарвар сиёсати, халқимизнинг болажонлиги, уларга ғамхўрлик кўрсатишига оид азалий қадриятларимизнинг қонуний ифодасидир. Бу тамойиллар ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани болалар учун яратилган қулай шарт-шароитларда яққол намоён бўлмоқда.

Фарзандлар камоли учун яратилган ҳуқуқий асослар ва амалий чоратадбирлар БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларига мос. Зеро, унда болалар ҳуқуқлари таъминланиши, уларнинг бекаму кўст вояга етиши учун ғамхўрлик кўрсатиш тамойили устуворлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Вояга етмаганларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш: муаммо ва ечимлар» мавзуида ташкил этилган конференцияда шулар ҳақида сўз юритилди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этган тадбирда депутатлар, БМТ Болалар жамғармаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари У.Суннатов, халқ таълими вазирининг ўринбосари Д.Кенжаев ва бошқалар мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари доимий ҳимояда эканини, айниқса, фарзандларимизнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари тўла таъминланганини таъкидлади. 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими йўлга қўйилгани ҳар бир болани таълимга жалб этиш имконини бермоқда. Бугунги кунда ҳар йили давлат бюджетининг 35 фоизидан ортиғи ушбу соҳага йўналтирилади.

Конференцияда БМТ Болалар жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари С.Грауманн Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилаётганини таъкидлади. 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида соҳани янада такомиллаштириш назарда тутилгани диққатга сазовор. Унда қўзда тутилган чоратадбирларни рўёбга чиқариш, таълим сифатини янада яхшилаш мақсадга мувофиқ. Имконияти чекланган ҳамда мактаб ёшига етмаган болаларга таълим беришни кенгайтириш бугунги кун талабларидандир.

Тадбирда мактабларда таълим сифатини яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди. Дарсликлар сифатини яхшилаш, ўқитувчилар малакасини ошириш борасида амалий саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Ҳар бир синфда ўқувчилар сони 35 нафар этиб белгилангани нафақат ўқитувчи, балки ўқувчиларга ҳам қулайлик яратади. Имконияти чекланган болалар учун 85 махсус мактаб фаолият юритмоқда. Мактабга чиқиш имкони бўлмаган 10 мингдан ортиқ ногирон бола учун жалб этилган ўқитувчилар уларга ўз уйида билим бермоқда. Мактабгача таълим тизимини кенгайтириш мақсадида мавжуд боғчаларнинг кўпчилиги таъмирланди ва бу жараён давом этмоқа. Қўшимча 50 мактабгача таълим муассасаси қурилиши натижасида бу борада болаларни қамраб олиш 1,5 бараварга ортади.

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари таъминланиши билан бирга уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариши учун барча шароит яратилган. 300 дан зиёд мусиқа мактаби, минглаб спорт мажмуалари мавжудлиги шунга кенг йўл очаётир.

Фарзандларимиз учун яратилган имкониятлар уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб улғайишига замин яратмоқда. Бу борада таълим муассасалари, ота-оналар, ўзини ўзи бошқариш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Бу тизим орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни турли иллатлардан, ахборот хуружларидан асрашда самарали натижаларга эришилмоқда.

Конференцияда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

Taassuf

# «Қайси кўчадансиз?..»

Тўсатдан оёғим қайрилиб, лат еди. Дугонам билан оилавий поликлиникага чиқдик. Мен оёғимни текширтиргани, дугонам эса маълумот олиш учун. Қабулхонада ўтирган кўҳликкина ҳамшира кўрик учун келганимизни эшитгач, "Қайси кўчада яшайсизлар?" деб сўради. 3-талабалар турар жойида яшашимизни эшитгач, йўл кўрсатди: "Тўғрига бориб, ўнгга қайрилasизлар!".

Айтилган жойда хоналар кўп экан. Бирма-бир барчасига бош суқа бошладик. Лекин негадир оқ халатлилар бизни нима безовта қилаётганини эмас, фақат бир нарсани сўрашарди:

— Қайси кўчадансизлар?

— 3-талабалар турар жойиданмиз.

— Ҳамширангиз ким?

— Билмаймиз, ҳамширага ишимиз тушмаган.

— Талабаларни 14-хонадаги шифокор кўради.

14-хонада ўтирган қиз ҳам обдон савол-жавоб қилгач, шифокорнинг кетиб қолганини айтиб, 15-16-хоналарга киришни тавсия қилди. Уларда ҳам шу аҳвол. Шифокор аллақачон кетиб бўлган. Хайрият, 17-хонада мутахассис бор экан. Хона ҳамшираси сўроққа тутди:

— Қайси кўчадансиз?..

Кимлигимизни эшитгач талабалар 9-хонада кўрикдан ўтказилишини айтди. Оёғимга азоб бераётган оғриқ энди бошимга чиқди: "Отангга бор, онангга бор" экан-да!

— Қайси кўчадансиз? — деган таниш савол янграганда 9-хона рўпарасида эдик. Савол-жавобдан ўтиб, ниҳоят, шифокор қабулига кириш бахтига муяссар бўлдик.

— Нима бўлди?

— Оёғим қайрилди.

— Хирург ёки неврпатологга учрашинг, оғриқ қолдирувчи дори ичишингиз керак.

Шугина маслаҳат учун елиб-югуриб бўлсам-а, ҳаттоки оғриётган оёғимга қараб ҳам қўймади. Қабулхонадаги ҳамширадан билдимки, хирург 13:00 гача ишлар экан. Хирург ҳам оғриқ қолдирувчи дори ичинг, деса керак-да! Ҳафсалам пир бўлди. Майли, ҳеч бўлмаса дугонамнинг ишини ҳал қилиб кетайлик, дея мутахассис шифокор хонасига бордик.

3-қават. Бош шифокор ёрдамчисининг хонаси. Тўладан келган икки аёл суҳбатлашиб ўтирибди. Ҳамроҳим эшикдан бош суқиб сўради:

— Ассалому алайкум, кечирасиз, Гулнора опа борми?

— Йўқ эдилар, бироздан сўнг келинг!

— Кеча ҳам келган эдим, газетаданман. Маълумот олмоқчи эдим.

— Ие, газетаданмисиз? Келинг, келаверинг. Гулнора опангиз мен бўламан-да, — дея тўрда ўтирган аёл гавдасини кўтарди.

Тавба, нима дейишни билмай қолдим. Беморга топилмаган шифокор журналистга ҳозиру нозир бўлиб қолса-я. Бунинг сири нимада! Наҳотки, оқ халат кийиб юрган шу инсонлар Гиппократ қасамини ичган бўлса?

**Чарос ЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Kuzatuv

# «Олтин давр»нинг олтин қоидалари

...Саҳарлаб уйғонасиз. Нари борса, уч-тўрт соат аввал ёпган адабиёт китобингизни қайта варақлашга тушасиз. Ҳали чет тили ва тарихдан берилган вазифалар ҳам навбат кутиб турибди. Янги мавзуни ўқиш, ўтилганларни такрорлаш керак. Эртага назорат тести. Яхши натижа олсангиз, янада кўп ўқийсиз, ўзингизга ишончингиз ортади. Ахир, ҳақиқий синов палласи яқин. Атиги икки ой қолди.

Бу — абитуриентлик давримиздан ҳикоя. Имтиҳон жавобларини орзиқиб кутасиз. Албатта, натижа ижобий бўлса, нур устига нур, акс ҳолда... Кўпчилик талабалар гоҳ завқ, гоҳ ҳаяжон билан эслашади ўша кунни. Сўнг "олтин давр" бошланади. Балл тўплаш, жорий, оралиқ, якуний назорат, катта кичик аудитория, синчков профессор-ўқитувчилар, янги дўстлар...

Муддаога ўтсам. Синов имтиҳонларига бирга тайёргарлик кўрган танишимни учратиб қолдим. Нуфузли олий таълим даргоҳларидан бирида таҳсил олади. Ўзлаштириши, тиришқоқлиги ва зийраклигига ҳавас қиламан. Салом-аликдан сўнг ўқишлари қандайлигига қизиқдим. У руҳсиз алфозда жавоб қайтарди: "Сессияни "қониқарли" ёпдим". Сабабини сўрасам:

— Шунча ўқиганим етар, "олтин даврим"ни эсда қоларли тарзда ўтказмоқчиман! — деди қатъий қилиб.

Ажабландим. Билимга чанқоқ дўстим қани? Устозларимдан бирининг айтганлари ёдимга тушди: "Чўққига кўтарилиш қийин. Қанча машаққат, вақт керак бунинг учун. Лекин ундан тушиш жуда осон. Шунчаки ҳаракатдан тўхтаб, ўзингни бўш қўйсанг, бас". Негадир эски танишим худди чўққидан пастлаётган одамдай кўринди кўзимга.

Бу қадар ўзгаришига сабаб нима? Ахир, талабалик ҳуда-беҳуда юриш, эртадан-кечгача ўйин-кулги дегани эмас-ку. "Олтин давр"нинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Талаба янада кўпроқ ўқиб, изланиб, янги-янги марраларни забт этиши керак! Бугун олий таълим даргоҳи талабаси бўлишга бел боғлаган ёшлар ўз ҳаётий мўлжал ва режаларини пухта ўйлаб олса, ҳаракатдан тўхтамаса, бу ҳақиқий олтин давр бўлиб қолади.

**Сардор МУСТАФОЕВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Mulohaza

# «Акс ҳолда дарс ўтмайман!»

Бекатда йўловчи кўп. Бир ўсмир эътиборимни тортди. Бежирим телефонига астойдил тикилган йигитча виртуал дунёга шу қадар "шўнғиб" кетган эдики, атрофидаги воқеа-ҳодисаларга мутлақо бепарво, худди ўзга оламда сайр қилиб юргандек. Буни сезиш қийин эмасди. Навбатдаги автобус бекатдан йироқлаша бошлаган эдики, йигит унинг ортидан баланд овозда "ҳай-ҳай"лаганча югурди. Телефондан кўзини узолмаган йўловчи автобус келиб кетганини ҳам сезмай қолганди.

Атрофим тўла "виртуалист"лар. Ҳатто ёнимда турган курсдошим ҳам бошини телефондан кўтармайди. Суҳбатлашиб кетиш қайда? Шу зайлда қадрдон ўқув масканимизга етиб келдик. Дарс бошланди. Ёши улуғ ўқитувчимиз хонага кириб келиб, биз билан саломлашгач, қўққисдан жиғибийрони чиқди: "Уйга борсам, фарзандларим, ишга келсам ҳамкасбларим, дарсда талабалар бу матоҳдан бошини кўтарай демаса... Бу нима деган гап? Ҳозироқ ҳамма телефонни йиғиштириб қўйсин, акс ҳолда дарс ўтмайман!".

Ўқитувчи ҳақ! Бу манзарага барчамиз гувоҳмиз!

Ижтимоий тармоқдаги гуруҳлар орасида бир ҳазил-мутойиба эътиборимни тортди. Унда шундай сўзлар бор: "Хонамда уч соат интернет ишламади. Оила аъзоларим билан дастурхон атрофида бафуржа гаплашиб олдим. Бувам вафот этибдилар, акам уйланибди, опам кўринмайди десам, турмушга чиқиб кетган экан, онамнинг сочлари оқариб, анча қарибди. Ҳа, айтгандек, онам мазали таом пиширишда давом этаяпти".

Нақадар аянчли ҳол. Бугун техника воситалари инсон ҳаётининг асосий бўлагига айланиб улгурди. Айниқса, мобиль алоқа воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур қилиш жуда қийин. Виртуал олам ҳар биримизни шу қадар ўзига жалб қилмоқдаки, унга шўнғиган кишини ортга қайтариш, ухлаётган одамнинг ширин уйқусидан уйғотишдек гап. Бироқ булар бизга реал ҳаётдек маъно-мазмун берармикан?

Кўча-кўйда муккасидан кетган "виртуалист"ларга дуч келсангиз, ҳаёт гўзалликларидан сўз айтиб қўйишни унутманг.

**Озода РЎЗИҚУЛОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# «Сомса №1» ёки «сомсанинг додаси»

Кўча-кўйда юрсак, "қувват сомса", "сомсаним зўри", "сомса №1" деган ёзувларга кўзимиз тушади. Бу хилдаги рекламаларни ҳар куни кўравергани учун ҳаммасини татиб кўриб, орасидаги фарқни топишга қарор қилдим ва ишга киришдим.

Биринчи бекат "қувват сомса" бўлди. Буюртма олиш учун келган хизматчи қизга иккита сомса буюргач, номи нега айнан "қувват сомса"лигини сўрадим. "Еганингиздан кейин қувватга тўлганингизни билмай қоласиз", деди у. "Оч қорингга еганда кейин ҳар қандай танага ҳам қувват киради-да", дегим келдию тилимни тийдим.

Иккинчи бекат "Сомсанинг зўри"да ҳам шу аҳвол. Навбат учинчи бекат "дода сомса"га етди. Кириб боришим билан "Хуш келибсиз, бу ёққа ўтинг, нима буюрадилар" деганча гапга чечан официант йигит жой кўрсатди. "Иккита сомса" дедим унга. У эса "Чой-пой, бошқа нарса керак эмасми?" дея сўрай бошлади. Фурсатдан фойдаланиб, ундан "Нега "дода сомса?" деб сўрадим. У эса қандайдир фахр билан "Дода бўлгандан кейин "дода сомса-да" деганча бошқа мижозга жой кўрсатиш учун ошиқди...

Навбат охирги бекат — "Сомса №1"га келди. Бу номнинг маъносини сўрасам, "Бутун Тошкентда бизникига етадигани йўқ, энг зўр сомса, бунга жавоб" дея оғзидан бол томиб мақташди.

Эй инсон, одамлар ўзига жавоб беролмаётган бир пайтда сомсага кафолат бериб тўғри иш қилаяпсизми демоқчи бўлдиму, иккита сомсани паққос тушириб, ортга қайтдим. Деярли ҳамма сомсаларнинг нархию мазаси бир хил. Лекин "дода", "қувват", "№1" дегани нимаси? Бунинг замирида маҳсулотни ўтказишдек мақсад яширин эканлигини англадим.

Ҳар бир сўзимиз маъносини билмай, молимизни мақтаймиз ва сотамиз. Топган бойлигимизга данғиллама уй қурамиз, энг сўнгги русумдаги машина бизники. Аслида-чи, она тилимизни бузиб, ундан "пиар" сифатида фойдаланмаяпмизми? Ўз тилимизга ҳурматсизлик ортидан эришган бойлигимизга керилиб, ўзгаларни алдаб яшашдан не наф?

**Адиба МЕЙЛИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Fikr

# Нотўғри «чангланиш»

Ўмирлик давримни эслайман, дадамга ёрдамчиман. Биргаликда деҳқончилик қиламиз. Уйимиз ортидаги кичик майдонча менга тегишли, ўз экинларимни экаман — помидор, бодринг, пиёз, қалампир... Помидорларим роса пишиб етилди. Дадамга мақтандим. Еб кўрди. Қалампирдек аччиқ... У киши "Помидор ёнига қалампир экибсан-ку!" деди. Шамол ёрдамида улар бир-бири билан нотўғри чангланган экан.

Назаримда, глобаллашув жараёни ҳам шу ҳолатга ўхшайди. Интернет ва бошқа ОАВ ёрдамида гўёки "оммавий маданият"дан чангланиш жараёни кетмоқда. Бу ҳолат бизни юз бериши мумкин бўлган маънавий бўҳронларга дучор этиши аниқ.

Бола тарбияси — бирламчи вазифа. "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ", — деди Абдурауф Фитрат.

Замонамиз ёшлари нимани ўқиб, нимани кўраяпти? Кўнгилочар газеталарда ёш санъаткорлар билан суҳбатни ўқиймиз:

"Журналист: — Сиз болалик давларингизни қандай хотирлайсиз?

Санъаткор: — Болалигимда жуда шўх ва безори бўлганман. Ҳар доим дарсга кечикиб келардим. Ўртоқларим билан тонггача кўчада "дайдиб" юрар эдик...".

"Севимли" хонандасининг бу сўзларини ўқиган ўсмир ўзини мустақил ҳаётга қай даражада тайёрлайди?

Ахборот асрида миллий қадриятларимиздан чекинмай, тараққий этган дунё мамлакатлари тажрибасини танқидий ва таҳлилий ўрганиб, хулоса чиқарган ҳолда одимлашимиз энг тўғри йўл, менимча.

**Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ,**
**Жиззах давлат педагогика институти талабаси**

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

# Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2005, 2006, 2007, 2008, 2013, 2014, 2015 ва 2016 йилларда берилган дарсликларни 2017 йилда утилизацияга топшириш РЎЙХАТИ

| Т/р | Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи | Муаллифи | Нашр этилган йили | Оғир-лиги(гр) |
|---|---|---|---|---|
| | **Таълим ўзбек тилида** | | | |
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе | Р.Сафарова ва б. | 2016 | 239 |
| 2 | Она тили | Т.Ғаффорова ва б. | 2016 | 185 |
| 3 | Ўқиш китоби | Т.Ғаффорова ва б. | 2016 | 208 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2016 | 278 |
| 5 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2016 | 110 |
| 6 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2016 | 113 |
| 7 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | 124 |
| 8 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | 111 |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | 95 |
| 10 | Меҳнат (технология) | И.Маннопова ва б. | 2016 | 139 |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М. Ирисқулов ва б. | 2016 | 299 |
| 12 | Немис тили "Deutsch mit spaβ" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | 331 |
| 13 | Француз тили " Hirondelle" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | 341 |
| | **3-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Kids' english-3", «Pupul's book-3» | С. Хан ва б. | 2015 | 299 |
| 2 | Немис тили «Deutsch mit spaβ-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | 307 |
| 3 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | 295 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Она тили | Р.Икромова ва б. | 2015 | 268 |
| 2 | Ўқиш китоби | С.Матчонов ва б. | 2015 | 326 |
| 3 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | 280 |
| 4 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2015 | 171 |
| 5 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | 143 |
| 6 | Мусиқа | О.Иброҳимов | 2015 | 159 |
| 7 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | 209 |
| 8 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | 159 |
| 9 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б. | 2015 | 168 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2014 | 275 |
| 2 | Немис тили "Deutsch" | М.Қиёмова ва б. | 2014 | 285 |
| 3 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2014 | 272 |
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Она тили | Н.Маҳмудов ва б. | 2013 | 241 |
| 2 | Адабиёт (1-қисм) | С.Аҳмедов ва б. | 2013 | 220 |
| 3 | Адабиёт (2-қисм) | С.Аҳмедов ва б. | 2013 | 220 |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | 240 |
| 5 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | 264 |
| 6 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | 362 |
| 7 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 238 |
| 8 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | 176 |
| 9 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 111 |
| 10 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | 226 |
| 11 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Она тили | Н.Маҳмудов ва б. | 2013 | 189 |
| 2 | Адабиёт | Қ.Йўлдошев ва б. | 2013 | 491 |
| 3 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | 239 |
| 4 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | 187 |
| 5 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | 190 |
| 6 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | 240 |
| 7 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | 225 |
| 8 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | 220 |
| 9 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | 219 |
| 10 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 286 |
| 11 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | 246 |
| 12 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 102 |
| 13 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2008 | 209 |
| 14 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2007 | 145 |
| 15 | Жисмоний тарбия (7—8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | 168 |
| | **Таълим рус тилида** | | | |
| | **1-СИНФ** | | | |
| 1 | Букварь | М.Тохтаходжаева и др. | 2016 | 261 |
| 2 | Русский язык | М.Тохтаходжаева и др. | 2016 | 186 |
| 3 | Книга для чтения | В.Кожуховская и др. | 2016 | 205 |
| 4 | Математика | М.Ахмедов и др. | 2016 | 277 |
| 5 | Окружающий нас мир | М.Ахмедов и др. | 2016 | 110 |
| 6 | Азбука этики | В. Костецкий и др. | 2016 | 111 |
| 7 | Музыка | Х.Нурматов и др. | 2016 | 124 |
| 8 | Изобразительное искусство | Р.Хасанов | 2016 | 113 |
| 9 | Физическое воспитание | К.Махкамджанов и др. | 2016 | 95 |
| 10 | Труд (технология) | И.Маннапова и др. | 2016 | 138 |
| 11 | Английский язык "Kids' English-1" | М. Ирисқулов и др. | 2016 | 296 |
| 12 | Немецкий язык «Deutsch mit spaβ-1» | М.Дадаходжаева и др. | 2016 | 331 |
| 13 | Французский язык «Hirondelle 1» | С.Рахмонов и др . | 2016 | 341 |
| | **3-СИНФ** | | | |
| 1 | Английский язык "Kids' English-3" | С. Хан и др. | 2015 | 299 |
| 2 | Немецкий язык «Deutsch mit spaβ-3» | М.Дадаходжаева и др. | 2015 | 307 |
| 3 | Французский язык "Hirondelle-3" | С.Рахмонов и др. | 2015 | 295 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев и др | 2015 | 183 |
| 2 | Русский язык | М.Тохтаходжаева и др. | 2015 | 265 |
| 3 | Книга для чтения | В.Кожуховская и др. | 2015 | 330 |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева и др. | 2015 | 283 |
| 5 | Природоведение | А. Бахрамов и др. | 2015 | 171 |
| 6 | Азбука этики | В.Костецкий | 2015 | 140 |
| 7 | Музыка | О.Ибрагимов | 2015 | 159 |
| 8 | Физическое воспитание | К.Махкамджанов и др. | 2015 | 208 |
| 9 | Изобразительное искусство | А. Сулаймонов и др. | 2015 | 162 |
| 10 | Труд (технология) | И. Маннопова и др. | 2015 | 167 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Английский язык "Kids' English-5" | Л.Жураев и др. | 2015 | 275 |
| 2 | Немецкий язык "Deutsch" | М.Киёмова и др. | 2015 | 285 |
| 3 | Французский язык "Bonjour la France" | А.Носиров и др. | 2015 | 272 |
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Мухитдинова и др. | 2013 | 206 |
| 2 | Русский язык | И.Зеленина | 2013 | 275 |
| 3 | Литература (1 часть) | И.Стыркас и др. | 2013 | 220 |
| 4 | Литература (2 часть) | И.Стыркас и др. | 2013 | 222 |
| 5 | История | А.Сагдуллаев и др. | 2013 | 272 |
| 6 | Математика | М.Мирзаахмедов и др. | 2013 | 361 |
| 7 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 245 |
| 8 | Ботаника | У.Пратов и др. | 2013 | 171 |
| 9 | География | А.Соатов и др. | 2013 | 226 |
| 10 | Информатика и информационные технологии | Б.Болтаев и др.. | 2013 | 110 |
| 11 | Музыка | С.Бегматов и др. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Мухитдинова и др. | 2013 | 204 |
| 2 | Русский язык | М.Рожнова | 2013 | 190 |
| 3 | Литература | В.Андрианова и др. | 2013 | 516 |
| 4 | История Узбекистана | А.Мухаммаджанов | 2013 | 186 |
| 5 | Всемирная история | Т.Салимов и др. | 2013 | 188 |
| 6 | Алгебра | Ш.Алимов и др. | 2013 | 240 |
| 7 | Геометрия | А.Азамов и др. | 2013 | 226 |
| 8 | Физика | П.Хабибуллаев и др. | 2013 | 219 |
| 9 | Химия | И.Аскаров и др. | 2013 | 219 |
| 10 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 82 |
| 11 | География | П.Гулямов и др. | 2013 | 252 |
| 12 | Информатика и информационные технологии | Б.Болтаев и др. | 2013 | 103 |
| 13 | Изобразительное искусство | А.Сулаймонов и др. | 2007 | 145 |
| 14 | Музыка | О.Ибрагимов и др. | 2007 | 209 |
| 15 | Физическое воспитание | Т.Усмонходжаев и др. | 2007 | 168 |
| | **Таълим қорақалпоқ тилида** | | | |
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе (A'lipbe) | Қ.Хожамуротова ва б. | 2016 | 259 |
| 2 | Ўқиш китоби (Oqiw kitabi) | Б.Қутлимуратов ва б. | 2016 | 206 |
| 3 | Она тили (Ana tili) | Б.Қутлимуратов | 2016 | 184 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2016 | 278 |
| 5 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2016 | 113 |
| 6 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2016 | 111 |
| 7 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | 126 |
| 8 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | 112 |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | 94 |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М. Ирисқулов ва б. | 2016 | 295 |
| 11 | Меҳнат (технология) | И.Маннопова ва б | 2016 | 137 |
| | **3-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Kids' english-3", «Pupul's book-3» | С. Хан ва б. | 2015 | 299 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | 184 |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2015 | 264 |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqiw kitabi) | Е.Бердимуратов ва б. | 2015 | 363 |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | 293 |
| 5 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2015 | 182 |
| 6 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | 152 |
| 7 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2015 | 160 |
| 8 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | 217 |
| 9 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | 172 |
| 10 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б. | 2015 | 174 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | 275 |
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 205 |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2013 | 246 |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | З.Айжанова ва б. | 2013 | 277 |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | 242 |
| 5 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | 270 |
| 6 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | 359 |
| 7 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 240 |
| 8 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | 171 |
| 9 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | 225 |
| 10 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 110 |
| 11 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 202 |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | А.Давлетов ва б. | 2013 | 191 |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2013 | 377 |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | 238 |
| 5 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | 184 |
| 6 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | 191 |
| 7 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | 240 |
| 8 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | 227 |
| 9 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | 220 |
| 10 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | 222 |
| 11 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 286 |
| 12 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | 254 |
| 13 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 100 |
| 14 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2008 | 209 |
| 15 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2006 | 145 |
| 16 | Жисмоний тарбия (7—8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | 168 |
| | **Таълим қозоқ тилида** | | | |
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе(Әліппе) | М. Умаров | 2016 | 239 |
| 2 | Она тили (Ана тілі) | М.Омаров | 2016 | 216 |
| 3 | Ўқиш китоби (Оқу кітабы) | М.Омаров | 2016 | 211 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2016 | 281 |
| 5 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2016 | 112 |
| 6 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | 110 |
| 7 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2016 | 111 |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | 125 |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | 95 |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М. Ирисқулов ва б. | 2016 | 297 |
| 11 | Немис тили «Deutsch mit spaβ» | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | 331 |
| 12 | Француз тили "Hirondelle 1" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | 341 |
| 13 | Меҳнат (технология) | И.Маннопова ва б | 2016 | 137 |
| | **3-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Kids' english-3", «Pupul's book-3» | С. Хан ва б. | 2015 | 299 |
| 2 | Немис тили «Deutsch mit spaβ-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | 307 |
| 3 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | 295 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | 185 |
| 2 | Ўқиш китоби (Оқу кітабы) | М.Омарулы ва б. | 2015 | 327 |
| 3 | Она тили (Ана тілі) | М.Омарулы | 2015 | 265 |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | 285 |
| 5 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2015 | 170 |
| 6 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | 142 |
| 7 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2015 | 162 |
| 8 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | 208 |
| 9 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | 160 |
| 10 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б. | 2015 | 164 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | 275 |
| 2 | Немис тили "Deutsch" | М.Қиёмова ва б. | 2015 | 285 |
| 3 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2015 | 272 |

(Давоми 13-бетда.)

2017-yil 3-iyun, № 44 (9005)

# Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2005, 2006, 2007, 2008, 2013, 2014, 2015 ва 2016 йилларда берилган дарсликларни 2017 йилда утилизацияга топшириш

## РЎЙХАТИ

(Давоми. Боши 12-бетда.)

| Т/р | Дарслик ва ўкув қўлланмалар номи | Муаллифи | Нашр этилган йили | Оғирлиги(гр) |
|---|---|---|---|---|
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 206 |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | А.Исабаев ва б. | 2013 | 245 |
| 3 | Адабиёт (Эдебиет) | Е.Абдувалитов ва б. | 2013 | 279 |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | 241 |
| 5 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | 360 |
| 6 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 243 |
| 7 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | 266 |
| 8 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | 172 |
| 9 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | 226 |
| 10 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 110 |
| 11 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 201 |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | Д.Айтбаев ва б. | 2013 | 190 |
| 3 | Адабиёт (Эдебиет) | Қ.Сейданов ва б. | 2013 | 379 |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | 238 |
| 5 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | 185 |
| 6 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | 188 |
| 7 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | 240 |
| 8 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | 226 |
| 9 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | 221 |
| 10 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | 223 |
| 11 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 284 |
| 12 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | 253 |
| 13 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 103 |
| 14 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2005 | 209 |
| 15 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2007 | 145 |
| 16 | Жисмоний тарбия (7—8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | 168 |
| | **Таълим тожик тилида** | | | |
| | **1-СИНФ** | | | |
| 1 | Алифбе (Алифбо) | С. Хўжақулов ва б. | 2016 | 239 |
| 2 | Она тили (Забони модарй) | Т.Чориев | 2016 | 186 |
| 3 | Ўқиш китоби (Китоби хониш) | З.Тоҳириён ва б. | 2016 | 209 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2016 | 278 |
| 5 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2016 | 112 |
| 6 | Одобнома | О.Ҳасанбоева | 2016 | 110 |
| 7 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2016 | 113 |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | 124 |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | 97 |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М. Ирисқулов ва б. | 2016 | 299 |
| 11 | Немис тили «Deutsch mit spaβ-1» | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | 331 |
| 12 | Француз тили "Hirondelle 1" | С.Рахмонов ва б. | 2016 | 341 |
| 13 | Меҳнат (технология) | И.Маннопова ва б | 2016 | 137 |
| | **3-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Kids' english-3", «Pupul's book-3» | С. Хан ва б. | 2015 | 299 |
| 2 | Немис тили «Deutsch mit spaβ-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | 307 |
| 3 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | 295 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | 182 |
| 2 | Она тили (Забони модарй) | Т.Чориев | 2015 | 260 |
| 3 | Ўқиш китоби (Китоби хониш) | Ж.Эшонқулов ва б. | 2015 | 319 |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | 280 |
| 5 | Табиатшунослик | А.Баҳромов | 2015 | 171 |
| 6 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | 140 |
| 7 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2015 | 163 |
| 8 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | 205 |
| 9 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б. | 2015 | 166 |
| 10 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | 159 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | 275 |
| 2 | Немис тили "Deutsch" | М.Қиёмова ва б. | 2015 | 285 |
| 3 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2015 | 272 |
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 204 |
| 2 | Тожик тили (Забони точикй) | М.Кабиров ва б. | 2013 | 241 |
| 3 | Адабиёт (Адабиёт) | С.Саъдиев ва б. | 2013 | 277 |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | 240 |
| 5 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | 269 |
| 6 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | 361 |
| 7 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 238 |
| 8 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | 172 |
| 9 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | 226 |
| 10 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 111 |
| 11 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Мухитдинова ва б. | 2013 | 200 |
| 2 | Тожик тили (Забони точикй) | А.Воҳидов ва б. | 2013 | 190 |
| 3 | Адабиёт (Адабиёт) | З.Тоҳириён ва б. | 2013 | 376 |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | 240 |
| 5 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | 187 |
| 6 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | 190 |
| 7 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | 240 |
| 8 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | 228 |
| 9 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | 220 |
| 10 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | 222 |
| 11 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 279 |
| 12 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | 248 |
| 13 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 93 |
| 14 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2007 | 209 |
| 15 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2007 | 145 |
| 16 | Жисмоний тарбия (7—8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | 168 |
| | **Таълим қирғиз тилида** | | | |
| | **1-СИНФ** | | | |
| 1 | Алифбе (Алиппе) | А.Юнусалиева ва б. | 2016 | 227 |
| 2 | Она тили (Эне тили) | А.Юнусалиева ва б. | 2016 | 185 |
| 3 | Ўқиш китоби (Окуу китеби) | А.Зулпихорова ва б. | 2016 | 211 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2016 | 280 |
| 5 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2016 | 112 |
| 6 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | 110 |
| 7 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2016 | 114 |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | 124 |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | 94 |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М. Ирисқулов ва б. | 2016 | 299 |
| 11 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-1" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | 331 |

| Т/р | Дарслик ва ўкув қўлланмалар номи | Муаллифи | Нашр этилган йили | Оғирлиги(гр) |
|---|---|---|---|---|
| 12 | Француз тили "Hirondelle-1" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | 341 |
| 13 | Меҳнат (технология) | И.Маннопова | 2016 | 135 |
| | **3-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Kids' english-3", «Pupul's book-3» | С. Хан ва б. | 2015 | 209 |
| 2 | Немис тили «Deutsch mit spaβ-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | 145 |
| 3 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | 168 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | 184 |
| 2 | Она тили (Эне тили) | М.Темирова ва б. | 2015 | 264 |
| 3 | Ўқиш китоби (Окуу китеби) | Г.Ералиева ва б. | 2015 | 324 |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | 285 |
| 5 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2015 | 172 |
| 6 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | 140 |
| 7 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2015 | 157 |
| 8 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | 209 |
| 9 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | 159 |
| 10 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б. | 2015 | 165 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | 299 |
| 2 | Немис тили "Deutsch" | М.Қиёмова ва б. | 2015 | 285 |
| 3 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2015 | 272 |
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 206 |
| 2 | Қирғиз тили (Кыргыз тили) | С.Усеналиев ва б. | 2013 | 244 |
| 3 | Адабиёт (Адабият) | Б.Алимов ва б. | 2013 | 281 |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | 245 |
| 5 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | 266 |
| 6 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | 360 |
| 7 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 243 |
| 8 | География | А. Соатов ва б. | 2013 | 231 |
| 9 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | 173 |
| 10 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 111 |
| 11 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 205 |
| 2 | Қирғиз тили (Кыргыз тили) | В.Мусаева ва б. | 2013 | 189 |
| 3 | Адабиёт (Адабият) | Б.Алимов ва б. | 2013 | 378 |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | 240 |
| 5 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | 187 |
| 6 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | 190 |
| 7 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | 245 |
| 8 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | 224 |
| 9 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | 224 |
| 10 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | 222 |
| 11 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 284 |
| 12 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | 254 |
| 13 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 101 |
| 14 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2006 | 209 |
| 15 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2007 | 145 |
| 16 | Жисмоний тарбия (7—8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | 168 |
| | **Таълим туркман тилида** | | | |
| | **1-СИНФ** | | | |
| 1 | Алифбе (Harplyk) | Қ.Абдуллаева ва б. | 2016 | 262 |
| 2 | Она тили (Ene dili) | Г.Абдуллаева ва б. | 2016 | 185 |
| 3 | Ўқиш (Okuw kitaby) | Г.Абдуллаева ва б. | 2016 | 211 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2016 | 278 |
| 5 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2016 | 112 |
| 6 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | 110 |
| 7 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2016 | 112 |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | 124 |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | 95 |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М. Ирисқулов ва б. | 2016 | 300 |
| 11 | Немис тили «Deutsch mit spaβ-1» | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | 331 |
| 12 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б | 2016 | 135 |
| | **4-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | 182 |
| 2 | Она тили (Turkmen dili) | А.Қодиров | 2015 | 263 |
| 3 | Ўқиш китоби (Okuw kitaby) | А.Қодиров ва б. | 2015 | 324 |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | 277 |
| 5 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2015 | 172 |
| 6 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | 140 |
| 7 | Мусиқа | О.Иброҳимов | 2015 | 161 |
| 8 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | 270 |
| 9 | Меҳнат (технология) | И. Маннопова ва б. | 2015 | 162 |
| 10 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | 160 |
| | **5-СИНФ** | | | |
| 1 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | 299 |
| 2 | Немис тили "Deutsch" | М.Қиёмова ва б. | 2015 | 285 |
| | **6-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 205 |
| 2 | Туркман тили (Turkmen dili) | М.Ханматов ва б. | 2013 | 242 |
| 3 | Адабиёт (Edebiyat) | Р.Қиличев ва б. | 2013 | 278 |
| 4 | Тарих | А. Саъдуллаев ва б. | 2013 | 267 |
| 5 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | 244 |
| 6 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | 363 |
| 7 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | 243 |
| 8 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | 171 |
| 9 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | 227 |
| 10 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 110 |
| 11 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | 141 |
| | **7-СИНФ** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳитдинова ва б. | 2013 | 202 |
| 2 | Туркман тили (Turkmen dili) | М.Ханматов ва б. | 2013 | 188 |
| 3 | Адабиёт (Edebiyat) | Г.Суюнова ва б. | 2013 | 303 |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | 239 |
| 5 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | 186 |
| 6 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | 190 |
| 7 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | 245 |
| 8 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | 224 |
| 9 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | 220 |
| 10 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | 119 |
| 11 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | 152 |
| 12 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | 277 |
| 13 | Информатика ва ахборот технологиялари | Б.Болтаев ва б. | 2013 | 101 |
| 14 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2008 | 209 |
| 15 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2007 | 145 |
| 16 | Жисмоний тарбия (7—8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | 168 |

# Инсон манзаралари

## *Ўқувчиларга ноанъанавий дарс*

### Одамийлик

— Тошкент "Жанубий" темирйўл вокзалида уч-тўрт шерик билан ўз поездимиз келишини кутиб тургандик, — деб ҳикоясини бошлаганди ҳамкасб дўстим. — Шу пайт бекатда мунғайибгина ўтирган йигитчага кўзим тушди. Эгнидаги кийимлари бир ҳол. Ёнига бордим:

— Ука, тобингиз йўққа ўхшайди, бирор ерингиз оғрияптими?

Йигитча маъюс нигоҳини менга қадади:

— Йўғ-эй, ака, ўзим... шунчаки.

Ориятданми, у сир сақлашга уринса-да, нимагадир муҳтож эканини сезиб турардим.

— Бирор ёрдам керак бўлса, тортинманг.

Йигитчанинг дил қулфига калит тополмай, афсусланиб, шунда ҳам орқага қайтиш олдидан сўнгги уриниш қилдим:

— Афтидан, бирор муаммо қийнаётганга ўхшайди. Шунга келувдим ёнингизга...

Йигитчанинг юзида иккиланиш аломати кўринди, кетишга шошилмадим.

— Рости, ака, у ёқдан бўшатишган, — қўлларини панжара қилди. — Анжонга боришим керак, киссамдаги пулимни олдириб қўйдим. Икки кундирки туз тотганим йўқ.

— Шуни эртароқ айтмайсизми, — чўнтагимдан ҳоли-қудрат пул чиқариб узатдим.

Янги танишимнинг юзига, менинг эса қалбимга нур энди.

— Раҳмат, ака, буни қайтараман. Анжонга йўлингиз тушса...

У чўнтагидан қоғоз, қалам чиқариб, шоша-пиша адрес ёзди.

— Шуни олиб қўйинг.

Хайрлашиб, шерикларим ёнига қайтдим. Улар ҳаракатларимни кузатиб туришган, шекилли, саволга тутди.

— Оғайним. Пули тугаб қолибди. Олмайман, дейди.

Энди ҳамроҳларим бири қўйиб-бири олиб, шундай оғир вазиятдан кимни қачон қутқаргани ҳақидаги бўлган-бўлмаган воқеаларни эслай бошлашди.

Дўстим ҳикоясини якунлади. Уни тинглаб, бир ҳамқишлоғимнинг тўйидаги воқеа хаёлимга келди:

Ўтирибмиз. Даврабоши — собиқ ўқувчим. Илк табрик сўзини менга берди. Қисқа гапириб, тўй соҳибларини қутладим. Сўнг "нозик" бир меҳмонга сўз берилди. У билан талабалик йиллари бирга таҳсил олгандик. Мактабда бирга ишлаганмиз. Кейинчалик у "тирғак"лари ёрдамида кўтарилиб кетди.

У худди минбарда тургандек виқор билан, узоқ сўзлади. Ҳатто ишлаб чиқариш режаларини ҳам эсдан чиқармади. Иккинчи сўз берилгани нафсониятига текканми, даврабошини яниб қўйишни ҳам унутмади:

— Ука, бундан кейин кимга қачон сўз беришни ўрганиб ол.

Шу дам ҳамма менга қараётгандек туюлди. Эшитмаганга олдим. Кўп ўтмай, ўша киши ишдан кетди. Такаббурлигидан ном-нишон қолмади. Аммо димоғдор кимса сифатида хотирамда бир умр муҳрланиб қолди. Балки унинг ўша хатти-ҳаракати мен қатори ўзгаларда ҳам салбий таассурот уйғотгандир...

### Амакини сўк

Бир танишим уйига — набирасининг туғилган кунига таклиф этди. Олис туманга йўл олдик. Шинамгина ҳовли. Дарвозадан ичкарилашингиз билан икки қаватли уй. Ўртада баланд чорпоя. Устида соябон: ёғочларига ўймакор нақш туширилган, остидан шарқираб сув оқаяпти.

— Бизнинг кулбаи вайрона шу, — бироз мақтанган оҳангда йўл бошлади мезбон.

Дастурхон бошидамиз. Меҳмонлар кўпайгандан кўпайди. Даврадошлардан бири:

— Қани, тўйболани — йигитнинг гулини олиб келишсин, — деб қолди.

Хонадон соҳиби ўтирган жойидан бақирди:

— Шерикни (Шерзоддир, балки Шермат) олиб келинглар! Шерик, бу ёққа кел.

Башанг кийинган саккиз-тўққиз яшар бола чорпояга чиқиб келди. Салом-аликдан дарак йўқ. Даврани кесиб, бобоси ёнига борди.

— Бизнинг Шерик зўр, ҳақиқий эркак!

Кимдир киссасидан бир даста пул чиқариб узатди-да, ҳамроҳини кўрсатиб:

— Мана шу амакини сўксанг, пул бераман, — деди.

Бола бироз иккиланиб турди-да, унга жилмайиб қараб турган бобосидан рағбат олгач, оғзини тўлдириб сўка кетди. Аҳли давра гур этиб кулди...

Мурғак чоғидан бу нимаси: "Амакини сўк, акани ур, укани йиқит". Бунда боланинг юзидан уят кўтарилиб, ўз сўзини ўтказишга одатланиб қолмаслигига ким кафолат беради? Ака-ука, опа-сингил ўртасидаги меҳр-оқибатга дарз етказмайдими бу?

Йўл узоқлигини рўкач қилиб, қўзғалдик. Йўл одамни хаёлга толдиради. Миямда фақат бир фикр: одобни беодобдан ўрган.

### Пулнинг меҳри иссиқ

Шоҳбекат — шаҳарнинг энг гавжум гўшаси. Бу ердан одамлар турли манзилларга йўл олади. Мана, навбатдаги уловнинг жўнаш вақти эълон қилинди. Автобус олди яхшироқ жойдан ўрин олишга интилган йўловчилар билан тирбанд.

— Кексаларга йўл беринг!

— Биринчи бўлиб ёш болали аёллар чиқсин.

Бироқ бунга ҳеч ким амал қилай демайди. Ҳамма ўзини эшикка уради. Айниқса, кўзлари бежо икки-уч нафар ўспирин сурхо-сурни авж олдирди.

— Ўғрибаччалар роса ишлашаяпти, — деди аллаким.

— Қани, қаерда? — сўради бошқаси.

— Ана, кўраяпсизми? Шу болалар ҳеч қаерга кетмайди. Тиқилинчдан фойдаланиб, чўнтак тозалашади.

— Биродар, билиб қўйган яхши экан. Энди автобусга чиқаётганда кўзимизга қараб юрамиз.

Суҳбатни эшитганлар киссавурларни таниб олганидан мамнун. Ҳар ҳолда, ўзларига эҳтиёт бўлади. Аммо бирор кимса уларнинг танобини тортиб қўйиш ёки шу ҳудуд нозирига мурожаат этишни хаёлига келтирмайди. Гўёки ҳаммаси содир бўлиши шарт воқеликдек, индамайгина кузатишади.

Киссавурлардан бири кекса момонинг тугунчасидаги пулини олганда толиба қизча ўзини тутиб туролмади:

— Ҳой ноинсоф, онанг қатори одамнинг пулини олишга уялмайсанми?!

Бирданига автобус салонида шивир-шивир бошланди: "Ўғри бор экан, ўғри".

— Ушлаб мелисага топшириш керак, — деди кимдир.

Киссавур йигит довдираб қолмади, аксинча, қизчага ўшқира кетди:

— Нега туҳмат қиласан?!

Ҳамманинг шашти қайтиб, ҳеч ким қизчанинг ёнини олишга уринмади, ўз тинчини бузгуси келмасди. Шундай ғала-ғовурлар билан навбатдаги автобус жўнаб кетди. Киссавурлар эса ундан бирин-сирин сирғалиб тушиб қолди.

Сал нарироқда эса чўккалаганча уч дона картани асфальтга ташлаб, қўли қўлига тегмай улар ўрнини тез-тез алмаштираётган ўспирин йўловчиларни ёнига чорларди:

— Кеп қолинг, пул тиккан пул олади. Тикмаган нимани олади. Икки қораси меники, бир қизили сизники. Мана буниси қора, буниси ҳам қора, ана учинчиси қизил. Пулингизни чиқариб, қизилини топинг...

Бу ўйин азиятини озми-кўпми тотганлар бор. Бироқ қизиқувчилар ҳам йўқ эмас. Нима бўлганида ҳам пулнинг меҳри иссиқ, саноқли вақт ичида чўнтагингда борини икки-уч бора кўпайтириш илинжи кимни ўзига тортмайди. Бир-икки анграйиб турган томошаталабларни эса алдаб ўйинга қўшишади.

— Қип-қизил ўғрлик бу, куппакундуз куни одамларни талашаяпти, ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Балки милиция ходимлари билишмас.

— Билади. Билмай қайга боради. Фақат ўзларини кўрмаганга олади. Эҳтимол...

Бугина суҳбат асносида яна қандай шубҳа-гумонлар айтиларди, билмадим. Қиморбозлар галаси пароканда бўлиб қочишга тушди. Ёшгина ички ишлар ходими карталарни йиғиб улгурмаган йигитчанинг билагидан маҳкам ушлаб, биз томонга етаклади.

— Нозирхонага кириб, кўрганларингизни батафсил ёзиб берсангиз...

Ўрнимдан қўзғалар эканман, ғийбатни авж олдирган икки суҳбатдош томон қарадим. Улар нозирнинг гапларини эшитмагандек, биздан узоқлашиб борарди.

### Орият

Чоршанба куни қишлоқ бозорига ўтдим. Гавжум, савдо-сотиқ авжида. Янги расталар тикланиб, кенгайтирилган. Маҳсулотини ерга ёйиб савдо қилаётганлар ҳам бор. Бекорчихўжа кунда-шундалар ҳам учрайди. Дарвоза олдида лабига сигарет қўндириб олган уч-тўрт ўспирин хатти-ҳаракати эътиборимни тортди. Улардан бири бозорга кираётган қизларга қараб бепарда гап қиларди. Қизлардан шаддодроғи шу заҳоти йигитчанинг тилини тийиб қўйди. Аммо ўсмирнинг эндиги қилиғи ошиб тушди. Дугоналари олдида ҳақоратланган қиз ҳўнграб юборди. Йигит эса ҳеч нима кўрмагандек...

...Етмишинчи йилларнинг ўртаси, талаба эдик. Сурхонга тўйга бордик. Келинни олиб келиш тараддуди. Дўстимиз Шўрчи тумани марказида яшарди, келин олис тоғ қишлоғидан.

— Сенга яқинроқдан қаллиқ топилмаганмиди, — дўстимизга ҳазиллашдик.

— Кўнгил-да, жўра.

— Сендаям кўнгил бор экан-ей!

Жўнаб кетдик, машина ўнғирлардан ошиб бораяпти. Куёвжўралар ҳазил-хузулга тушиб кетганмиз. Сурхоннинг сулув қизлари гурунгимизга қимтиниб қулоқ тутади. Куёв беозоргина биқинимга туртади.

— Ўзи тайёргарлик кўрдингизларми?

— Нимага?

— Сен тоғликларнинг феълини билмайсан-да. Йигитларга айт, маҳкам бўлишсин.

Ажабландим. Нима биз уришгани, куч синашгани бораяпмизми? Қариндош бўлмоқчимиз-ку. Шундай дейману, ичимда хавотирим ортади. Бу ерларнинг одатини ким билсин.

Келинникига етиб келганимизданоқ машинамизни важоҳатли йигитлар ўраб олди:

— Куёв тушсин, бир кўриб қўяйлик.

— Кўчада қолган қизимиз борми.

Бир-иккитаси ҳатто чапаничасига гап қилди. Қарасак, аҳвол жиддий. Йигитларнинг жанжал кўтаргиси бор.

— Нима бало, қизларини ўғирлаб кетаётганмидик, ўзлари топишган бўлса, — зорланди кимдир. — Мен-ку мошиндан тушмайман.

— Юрак борми, нари борса муштлашармиз, — далда беради бошқаси.

Хуллас, можарога қишлоқ оқсоқоллари аралашмаганида нима бўларди, ўйлаб ўйимга етолмайман.

— Тарқалинглар, яхши кўришганидан сўнг илож қанча. Қани, тушинг меҳмонлар.

Мўйсафид бизларни қўярда-қўймай машинадан чиқишга ундади, кўкрак кериб куёвнинг атрофини ўрадик.

— Айбситмайсиз меҳмонлар. Келин элимизнинг олд қизларидан-да. Қишлоғимизда изида юрганлар сон мингта. Сизлар уни олиб кетаяпсиз, шунга орияти қўзиб кетди-да.

Ҳозиргина кўзимга балонинг ўқидек кўринган йигитларга ҳурматим ошди.

...Бозор олдидаги ўспирин-чи, қизга нобоп гап қилди, қиз уятдан ҳўнграб юборди. Ажаб, йигит шу ерлик, қиз ҳам бегона эмас. Анави йигитнинг шу қиз қатори синглиси бордир...

**Абдунаби АБДИЕВ,**
**Миришкор туманидаги 22-мактаб директори**

# Чўмилиш ҳавзалари талаб даражасидами?

***Ёз фасли бошланиб, кунлар исиши билан болалар ўзини соя-салқин жойларга уради, чўмилиб, дам олишни, яйраб-қувнашни одатга айлантиради. Бироқ таътилни мазмунли ўтказишга шайланган бу болаларнинг чўмилиши учун сув ҳавзаларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб берадими, қолаверса, йирик бассейнларда назорат, қутқарув чоралари кўриб қўйилганми?***

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан «Республиканинг чўмилиш ҳавзаларида хавфсизликни таъминлаш чоралари» мавзусида ўтказилган амалий семинарда ана шу саволларга жавоб изланди.

Асосий мақсад ёз мавсумида республикамиздаги барча чўмилиш ҳавзаларида аҳоли ва айниқса, болаларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бунинг учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йил давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари билан биргаликда республика ҳудудидаги сув ҳавзаларида 1992 та рейд ўтказиб, 342 та сув ҳавзаси текширилди. Чўмилиш ҳавзаларида хавфсизлик қоидалари бўйича 3684 та огоҳлантирувчи шартли белги ўрнатилиб, 89 та назорат пости ташкил қилинди.

Яна бир нарсани айтиш керакки, фуқароларнинг сувда чўкиши билан боғлиқ ҳодисалар таҳлил қилинганда, кўп ҳолатларда кўнгилсизлик чўмилиш қоидаларига риоя этмаслик оқибатида юз бергани аниқланган.

**Yoz – o'tsin soz**

Шу боис, аҳоли ўртасида чўмилиш мавсумида хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини жадал олиб бориш лозим. Ана шунда бу борада аҳоли ва айниқса ёшларнинг хабардорлиги, огоҳлиги ошади. Энг муҳими, ўнлаб нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш бўйича Идоралараро комиссиянинг 3-сонли Баёни билан "Республика аҳолисини пляж ва сувда оммавий дам олиши учун ажратилган жойларнинг қутқарувчиларини тайёргарликдан ўтказиш бўйича вақтинчалик Дастури" тасдиқланган.

Мазкур Дастур асосида Фуқаро муҳофазаси институти ва ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида пляж, дам олиш оромгоҳлари, лагерлар ва бошқа рухсат этилган сув ҳавзаларидаги қутқарувчиларнинг соҳа йўналиши бўйича ўқитилиши йўлга қўйилди.

Сувда чўкиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар ҳаёти хавф остида қолишига кўпинча тақиқланган жойларда чўмилиш, баъзи ҳолатларда спиртли ичимликлар ичиб, маст ҳолда сувга тушиш, вояга етмаган болаларни сув ҳавзалари атрофида қаровсиз қолдириш, дам олиш зоналарида сув транспорт воситаларидан хавфсизлик қоидаларига риоя этмасдан фойдаланиш кабилар сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда дам олиш ва ёзги соғломлаштириш масканларида тегишли ташкилотлар, жумладан, Ички ишлар бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари, дам олиш ва ёзги соғломлаштириш масканлари раҳбарлари чўмилиш мавсумида дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда.

Республикамиздаги сув ҳавзларида, мавжуд маданият ва истироҳат боғларида ҳар йили тегишли ташкилотлар томонидан сув ҳавзаларининг санитар-гигиеник ҳолати, чўмилиш ва рухсат этилган ҳудудлар атрофига тегишли ёзувли белгилар ўрнатилгани, барча турдаги қайиқлар ва катомаранларнинг фойдаланишга яроқлилиги текширувдан ўтказилмоқда.

Шунингдек, чўмилиш ҳавзаларида юқори малакали ғаввос-қутқарувчилар гуруҳини тайёрлашга эътибор берилмоқда. Бу борада Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти томонидан ғаввос-қутқарувчиларнинг билим ва малакаларини ошириш бўйича "Бошланғич тайёргарлик" ва "Малака ошириш" курслари ташкил қилинган. Ўқиш жараёнида ғаввос-қутқарувчилар замонавий анжомлардан фойдаланиб, назарий ва амалий машғулотларда қатнашади, мунтазам равишда тиббий-чуқурлаштирилган махсус кўрикдан ўтказилади.

**Назокат САИДХОНОВА,**
**Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси**

## XORIJDA SPORT

### «БАРСА»НИ «ЧУМОЛИ» БОШҚАРАДИ

**«Барселона» футбол жамоасини келаси мавсумда испаниялик тажрибали мутахассис Эрнесто Вальверде бошқаради. Бу ҳақда клуб расмий сайтида хабар берилди.**



Каталонияликлар клуби президенти Хосеп Мария Бартомеу 53 ёшли «чумоли» лақаби билан машҳур мураббийни баҳорнинг энг сўнгги куни мухлисларга таништирди. Унинг жамоа билан икки йиллик шартнома тузганини маълум қилди. Э.Вальверде «Эспаньол», «Вильярреал» ва «Валенсия», «Атлетик Бильбао» (Испания) ва «Олимпиакос» (Греция) клубларини бошқарган.

### ЖАМОАДОШЛАР ҒАЛАБАСИ

**«Формула-1» бўйича ўтказилган Монако Гран-присида «Ferrari» жамоасининг немис пойгачиси Себастьян Феттель маррага биринчи бўлиб етиб келди ва ғалаба қозонди.**

«Лента» манбасида ёзилишича, иккинчи ўрин унинг «Ferrari» жамоасидаги шериги Кими Райкконен(Финляндия)га насиб қилган. Кучли учликдан австралиялик Даниэль Риккьярдо (Red Bull) жой олган.

«Формула-1»нинг галдаги босқичи 9—11 июнь кунлари Канадада ўтказилади.

### ЯНГИ РЕЙТИНГ

**Халқаро шахмат федерацияси май ойи якунига кўра рейтингни эълон қилди. Бу ҳақда ФИДЕ расмий сайтида айтилди.**



Унда биринчи ўринни норвегиялик Магнус Карлсен (2832 очко) банд этган бўлса, 2-ўринда америкалик Уэсли Со (2812) ва 3-ўринда россиялик Владимир Крамник (2808) номи қайд этилган.

Хотин-қизлар рейтингида эса хитойлик Хоу Ифань (2666) яққол етакчилик қиляпти. Унинг ҳамюрти Цзюй Вэньцзюнь (2583) ва украиналик Анна Музичук (2569) кучли учликка кирган.

### НАДАЛГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛАДИ

**Франция очиқ чемпионати (Roland Garros) ташкилотчилари испаниялик Рафаэль Надаль ҳайкалини ўрнатишга қарор қилгани «Eurosport» каналида айтилди.**

Бу таклифни Франция теннис федерацияси раҳбари Бернар Гьюдичелли ҳам маъқуллаган. Испаниялик ракеткачи «Катта дубулға» туркумидаги бир турнирда энг кўп ғалаба қозонган рекордчи ҳисобланади. У Франция очиқ чемпионатида 9 марта (76 матч ўтказиб, атиги 2 марта ютқазган) ғолиб бўлган.

3-турда 30 ёшли Надаль грузиялик Николоз Басилашвили билан куч синашади.

### САМПАОЛИ АРГЕНТИНАГА ҚАЙТДИ

**Аргентина терма жамоасини Испаниянинг «Севилья» клуби собиқ устози Хорхе Сампаоли бошқариши ҳақида мамлакат футбол ассоциацияси матбуот хизмати хабар қилди.**

57 ёшли мутахассис билан АФА расмийлари 5 йиллик шартнома имзолаган. Аргентиналик Сампаоли жамоасига 1986 йилги жаҳон чемпиони, ҳозир мураббийлик билан шуғулланаётган Хорхе Бурручага ҳам қўшилди.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йили Х.Сампаоли Чили терма жамоаси билан Америка Кубогини ютиб олган.

**З.ХОЛОВ тайёрлади.**

*реклама • эълон • реклама • эълон• реклама • эълон • реклама*

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 2017 йил 15—17 июнь кунлари "Талаба-ёшлар ижодиёти" кўрик-танлови ўтказилади.**

Институтда таълим олиш нияти бўлган ёшлар танлов доирасида ўтадиган **"Очиқ эшиклар куни"**да иштирок этиб, малакали профессор-ўқитувчилар, ўқув лабораториялари, амалий дарс машғулотлари ҳамда ўқув театри фаолияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўладилар.

Танловга абитуриентлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, уларнинг ота-оналари ҳамда барча қизиқувчиларни таклиф этамиз.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-"А" уй. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти.**
**Телефон: 230-28-03. Факс: 230-28-15**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ ахбороти**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2017 йил 4 май куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони балансидаги д/р 01/367VSB бўлган «ОТОУОЛ М29» – 18 200 000 сўмга; д/р 01/342VSB бўлган «ДОГАН» – 3 460 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома № 005357**

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига барча умумтаълим фанлари бўйича биринчи ва олий тоифали педагоглар танлов асосида ишга қабул қилинади.

***Манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор 17/18 (мўлжал: Ғафур Ғулом метро бекати, 9-оилавий поликлиника, "Булоқ" сузиш ҳавзаси, 22-мактаб).*

— — — — — — — — — — — — — —

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2-синфга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2017 йил 1 июлдан 31 июлгача давом этади.

***Манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор 17/18 (мўлжал: Ғафур Ғулом метро бекати, 9-оилавий поликлиника, "Булоқ" сузиш ҳавзаси, 22-мактаб).*

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "O'zbeko'quvavtomatika" республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш марказига тегишли ГАЗ-33021-212 русумли, давлат белгиси 01 304 LBA автоуловига берилган АТ 1319921 ва АТ 1319922-сонли лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси «Шарқ тиллари» кафедраси мудири Зуҳра Арипова онаси

**Вазира КОМИЛОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

# Кулсанг, дунё кулар, болажон!



Бола кулса, кўнгил яшнайди. Кичкинтойларнинг беғубор табассуми ҳар қандай қаҳри қаттиқ кўнгилни юмшатади, улар шодлиги, бахту иқболидан юраклар шодликка чулғанади. Шоир айтганидек:

***Кулсанг, дунё кулар —***
***кўнгиллар тўлар,***
***Мунчоқ кўзларингга***
***пайваста бу жон!***
***Кулгу тошиб турсин***
***кулгичларингдан,***
***Сен бахту иқболим,***
***азиз болажон!***

## 1-iyun – Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимиздаги барча истироҳат боғларию таълим муассасаларида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор" шиори остида ҳафталик ўтказилмоқда. Турли вазирлик ва ташкилотлар томонидан кўнгилочар ўйинлар, беллашув, викторина, саёҳат ва хайрия учрашувларининг ташкил этилиши иштирокчиларга қувонч ҳадя этаяпти.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган хайрия акциясида 1100 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Тадбир иштирокчилари – меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, юрт осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари боғдаги замонавий арғимчоғу аттракционларда учиб, роҳатланишди.

— Кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди А.Хлебушкина номидаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Лайло Турсунова. — Устозимиз Хурсаной Холова бошчилигида "Toshkent lend" ва "Lokomotiv" истироҳат боғига бориб, турли аттракционларда мазза қилиб учдик. Бўстонлиқ туманидаги сўлим, баҳаво, пурвиқор тоғларга бориб, гўзал табиат манзараларидан баҳраманд бўлдик. Ёш томошабинлар театрида намойиш этилган спектаклдан бир олам таассурот олдик. Таълим муассасамизда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари — Маҳмуд Тоир, Исажон Султон, Ҳумоюн Акбар билан кечган учрашувда шеъру ғазаллар айтиб, совға тариқасида бадиий адабиётларга эга бўлдик. Бу китобларни мутолаа қилиб, ёзги таътилни янада мазмунли ўтказамиз.



«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан ўтказилган "Ер куррасида тинчлик" республика расмлар кўрик-танлови ҳам болажонларда катта таассурот қолдирди. Ижодий беллашув уч ёш тоифаси — 3–6, 7–11 ҳамда 12–15 ёшли ўғил-қизлар ўртасида ташкил этилди. Ёш ижодкорлар юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунчаларини оқ қоғозда ранг-баранг бўёқлар орқали тасвирлашди.

Азиз Атаев қўлига қалам олиб, расм чиза бошлаганида атиги 3 ёшда эди. Тасвирий санъатга қизиқиши ва истеъдодини пайқаган ота-онаси унга Самарқанд шаҳридаги "Акварел" болалар тасвирий санъат тўгарагида шуғулланиши учун шароит яратиб берди. У бугун "Ер куррасида тинчлик" кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринга сазовор бўлди.

— Табиат, ҳайвонот олами ва қушлар расмини чизишга қизиқаман, — дейди 5 яшар Азиз. — Лекин танловда ўзимнинг бахтли оиламни тасвирладим. Ота-онамни яхши кўраман, уларнинг қиёфасини чизгим келади.

Ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати эътирофига сазовор бўлган Шаҳзода Ҳасанова, Одина Комилжонова, Нозима Ҳайдаралиева, Илҳом Абжалиев, Комила Саидаминова, Севинч Низомова, Муниса Қурбонова, Жаҳонгир Бобомуродов каби ўғил-қизлар совриндор сифатида танлов ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Байрам тантанаси "Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт марказида ҳам кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари остида байрамона безатилган марказ ҳовлисига кириб келаётган ота-оналар, болалар ва меҳмонларнинг кайфияти чоғ. Байрамга таклиф этилган Чилонзор туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 21 нафар ўқувчиси, "Хирмонтепа" ва "Шуҳрат" маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари тўгарак аъзолари томонидан тайёрланган дастурни мириқиб томоша қилди.

Дарахтлар остига гилам тўшалган. Дўппи кийган қизалоқлар мунчоқдан бежирим буюмлар ясаш, тўқиш, тикиш ва карвинг санъати намуналарини ясаш билан банд. Бошқа томонда тасвирий санъат тўгараги аъзолари қоғоз, қалам билан "дўстлашиб" турли эскизлар яратмоқда. Авиамодел ва ракетамодел тўгараги иштирокчилари ясаган буюмлардан иборат кўргазма меҳмонларни ўзига чорлайди. Айниқса, либос дизайни тўгараги аъзоларининг янги фасонлар намойиши ва "Турон" спорт жамоасининг чиқиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Якунланган ўқув йилида фаоллик кўрсатган ўқувчилар марказнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ҳасан МЎМИНОВ,**
**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбирлари**

Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

**Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-615. Tiraji 51647.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 00.45 Topshirildi — 01.40 1 2 3 5 6